


Элёр Каримов

ХҮЖА АХРОР

хаёти ва фаолияти



Мазкур рисолада XV асрнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, диний, маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган диний, сиёсий арбоб Хўжа Аҳрорнинг таржимаи ҳолидаги муҳим қирралар тарихий, илмий нуқтан назардан батафсил ёритилган ҳолда унинг ҳаёти ва сиёсий фаолияти, даги тарихда ёритилмаган жиҳатларига алоҳида эътибор берилган. Унинг фақирликдан йирик сиёсий арбоб, оддий диний руҳонийликдан шайх валий даражасига кўтарилиш йўли илоҳийлаштирилишдан холи равишда, тарихий далиллар асосида илмий таҳлил қилинган. Хўжа Аҳрор шахсиятининг тилсими — табиий руҳонийлик салоҳияти, ирода қуввати ва моҳир сиёсатдонлик санъатининг реал ҳаётдаги уйғунлашув йўли ўзига хос маҳорат билан тасвирланган. Рисола мазкур даврга тегишли ижтимоий-сиёсий соҳа мутахассислари ва кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: **Д. А. Алимова,**
тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: **Р. Г. Мукминова,**
тарих фанлари доктори, профессор
Г. Агзамова,
тарих фанлари доктори

Нашрга тайёрловчилар: **К. Қ. Каланов,**
социология фанлари номзоди
Ш.О. Гаюпова,
фалсафа фанлари номзоди

Хўжа Аҳрор таваллудининг 600 йиллигига бағишланади

МУҚАДДИМА

Ўтган XX асрда Ўрта Осиё тарихини ўрганиш ва англаш бир неча маротаба радикал, яъни кескин, туб ўзгаришларга учради. Ўрта Осиё тарихида жиддий аҳамиятга молик бўлган айнан бир тарихий сиймонинг ўзи эса мазкур қисқа тарихий даврда турлича, баъзан эса мутлақо қарама-қарши талқин этилди.

Умуман олиб қараганда, бу тарихчилар учун ажабланарли ҳол эмас, зеро, кўп ҳолларда, тарихий таҳлил ва талқин жараёнида ҳукмрон қарашлар ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариши натижасида маълум бир тарихий шахс ва воқеа-ҳодисаларни баҳолаш, уларга муносабат ҳам даврнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда ўзгариб туради.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб XX асрнинг охиригача қадар моҳият ва шакл жиҳатидан турли ижтимоий-сиёсий тузумлар алмашилиб турган Ўрта Осиё тарихини тасвирлашда ана шундай радикал сиёсий ва «илмий» баҳолашлар яққол кўзга ташланади.

Ўрта Осиёнинг ушбу давр мобайнидаги тарихий вазияти ҳаммамизга яхши маълум бўлиб, бу вақт ичида у давлатчиликнинг қатор босқич ва шакллари ўз бошидан кечирди. Хусусан, хонликлар даври ва чоризм тузуми, советлар ҳукмронлиги ва 1991 йилда эришилган мустақиллик даври шулар жумласидандир.

Таъкидланаётган даврлар давомида тарих, биринчи навбатда бой ўтмишимиз тарихи давлатчилик мафқурасининг бир қисми сифатида шакллана борди ва унинг ажралмас таркибий қисмига айланди. Ўтмишнинг тарихий сиймолари ижобий ёки салбий кўриниш остида кўҳна тарих саҳнасидан алоҳида «намуна» сифатида жой олдилар. Ёш авлод худди ана шу мезонлар асосида тарбияланди. Ўтмиш рамзлари миллий рамзийлик касб этди.

Лекин ҳар бир тарихий намояндага ҳам ўз асл баҳосини олиш насиб этмади. Унча узоқ бўлмаган тарихий ўтмиш манбаларини тадқиқ қилиш, уларни аниқ тарихий далил ва қадимий ёзма маълумотлар билан солиштириш ҳозирги кунда ҳам бир мавзунини ёзиш ва ёритиб беришда бир-биринга қара-

ма-қарши бўлган кескин қарашлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ушбу рисолада биз асосий эътиборни Ўрта Осиё (Марказий Осиё — Мовароуннаҳр ва Хуросон) тарихида ўзига хос из қолдирган Хўжа Аҳрор шахсига қаратишни мақсад қилиб кўйдик.

Мусулмон дунёсининг таниқли намояндаси Насириддин Убайдуллоҳ бин Маҳмуд аш-Шоший тарихда Хўжа Аҳрор (1404—1490) номи билан шуҳрат қозонган. Унинг шахси аллақачонлар тадқиқотчилар диққатини ўзига тортганлиги сабабли ҳам, ҳозирги кунда биз унинг тўғрисида кўнлаб маълумотларга эгамиз.

XV аср Ўрта Осиёсида бўлиб ўтган мураккаб ва кўп ҳолларда бир-бирига қарама-қарши бўлган тарихий жараёнларни тушунишда Хўжа Аҳрорнинг фаолияти ва тарихий ролини баҳоламасдан ўтиш мумкин эмас.

Хўжа Аҳрорга нисбатан билдирилган муносабат мустамлакачилик, советлар ва мустақиллик даврлари мобайнида бир неча маротаба ўзгарди. Ўтмишнинг таниқли тарихий арбобига нисбатан ушбу қарашлар ҳар бир янги даврда сиёсий ва мафкуравий шарт-шароитлардан келиб чиқиб турлича бўлган. Ушбу ҳолат Хўжа Аҳрорга бағишлаб ёзилган мазкур рисоланинг тақдирида ҳам ўз ифодасини топди. 1990 йил бошларида камина томонидан ҳимоя қилинган номзодлик диссертациясида¹ мазкур муаммо қаламга олинган ва уни китоб ҳолида нашрдан чиқариш учун саъй-ҳаракатлар қилинган эди, аммо маълум сабабларга кўра асар шу кунгача чоп этилмай қолди. Буюк ватандошимизнинг 600 йиллик таваллуд кунини яқинлашайтганлиги сабабли муаллиф мазкур рисола асосан албатта чоп этиш ва Хўжа Аҳрорнинг таржимаи ҳолини кенг жамоатчиликка етказиш лозим деган қарорга келди. Лекин маълумки, адиллар, арбоблар, буюк тарихий шахслар ҳаёти ва ижодини таржиман ҳол сифатида батафсил ёритишнинг ўзига хос илмий услуги ва мактаблари бор. Давр жиҳатдан яқинлик ва замон руҳининг ўхшашлигини эътиборга олган ҳолда мен ушбу масалани ёритиш учун Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзилган навоийшунос Олим Шарафутдиновнинг «Алишер Навоий» асарига мурожаат этдим.

¹ Роль, место и социальные позиции духовенства Мавераннахра в XV в.: Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата исторических наук. Ташкент, 1990. 22 с. (Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 1990, 22-бет.)

Ўз вақтида, ушбу диссертация ишини ёзиш жараёни кетаяётган бир дамда, мени Ю.Э. Брегельнинг¹ В. Бартольднинг «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» асарига берган шарҳи ажаблантирган эди: «Олим Шарафутдиновнинг «Алишер Навоий» (Ташкент, 1939; изд. 2-е — Ташкент, 1948) асарини ҳисобга олмаганда, Бартольднинг асарлари нашр этилгандан сўнг, ҳозирги вақтга қадар Мир Алишер (Навоий)нинг таржимаи ҳолини янгитдан ёритиб берадиган тадқиқот ишлари умуман бўлмаган...²

Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи муҳбир аъзоси ва биринчи ўзбек навоийшунос олими бўлган бува-миз Олим Шарафутдиновнинг асари³ 30 йилларда, буюк шоирнинг 500 йиллик юбилейи тантанасига тайёргарлик кетаяётган вақтда чоп этилганлигини билар эдим. Гуё Навоий тўғрисида кўп нарса маълумдек, шунинг учун биринчи навбатда унинг таржимаи ҳоли ёритилди. О. Шарафутдиновнинг бу асари катта тадқиқот жараёнининг фақат бошланиши эди, холос. Лекин кўриб турганимиздек, 1964 йилдан бери (В. Бартольднинг Ю. Брегель томонидан таъкидланган

¹ Индиана Университетининг (Indiana University, Bloomington, USA) профессори, таниқли америкалик олим Ю. Э. Брегель В. Бартольд асарининг 11 жилд 2-қисми кириш сўзига муаллифлик қилган ва мазкур китобни нашрга тайёрлаган.

² Бартольд В.В. Мир Али-Шир и политическая жизнь//Сочинения. Том II. Часть 2. Москва, 1964 С. 202. Сноска 21. (Асарлар тўплами. 11 жилд, 2-қисм. 202-б., 21-сноска).

³ Олим Шарафутдиновнинг 1939 йили ўзбек тилида лотин ҳарфлари билан босмадан чиққан китоби: *Алишер Навоий замони, ҳаёти, ижодиёти ва ўлими. Тошкент, ЎзССР Фанлар комитети, 1939. 72-бет.* Шу йили Алишер Навоий биографик очерки рус тилида чоп этилди: *Алишер Навоий, биографический очерк. Ташкент, Гостехиздат, 1939. 68 с.* [Асарини рус тилидаги таржимаси муҳаррири М. Сальс бўлиб — у машҳур «Минг бир кеча» ва «Бобурнома» асарларини рус тилига таржима қилган]. Бу нашрдан сўнг бошқа нашрлар ҳам чиқа бошлади. Ю. Брегель ўз асарида мурожаат этган нашр — бу 1941 йили О. Шарафутдинов томонидан ёзилган 1939 йилги нашрга асосан қайта ишланган бўлиб, ушбу янгиланган ҳамда кенгайтирилган вариантни муаллиф кейинчалик нашр этишга улгурмаган; у 1943 йили урушда ҳалок бўлган: *Алишер Навоий ҳаёти ва ижодиёти. Тошкент, ЎзССР давлат нашриёти, 1948, 192 бет;* Китобнинг қисқартирилган намунаси: *Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. Тошкент, Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, 1967. 82 бет;* Бу албатта Шарифа Абдуллаева томонидан таҳрир қилинган китобнинг энг аъло нусхаси: *Алишер Навоий (Ҳаёти ва ижоди). Тошкент, Ф. Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1971. 192-бет.* Охирги марта бу илмий тадқиқот 1978 йилда О. Шарафутдиновнинг таиланган асарлар тўпламида нашр этилди.

жилди чоп этилган вақт) ушбу масала ҳамон очиқлигича қолмоқда.

Шунинг асосида Хўжа Аҳрорнинг ҳаёт фаолияти ва таржимаи ҳолини тарихий жиҳатдан аниқлаш тўғрисидаги ғоя туғилди. Лекин шарт-шароит мавжуд тадқиқот маълумотларини биографик очерк шаклида яратишга имкон бермасди. Утган давр мобайнида мамлакатимиз ва хорижда¹ катта қизиқиш уйғотган Хўжа Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолиятига доир бир қанча мақолалар, жумладан, каминанинг ҳам бир қанча материаллари чоп этилди². Ва ниҳоят, 1999—2001³ йиллар мобайнида Франциядаги илмий-текшириш муассасаларига мен олиб бораётган тадқиқотларни янада кенгайтириш мақсадида Maison des Sciences de l'Homme (Инсонни ўрганиш

¹ Хорижда мазкур масалага бўлган қизиқишнинг юқорилиги сабабли, Хўжа Аҳрор шахсини тадқиқ қилишда ҳозирги даврнинг кўплаб таниқли мутахассислари шуғулланиб келмоқдалар. Жумладан, Жо-Анн Гросс (Jo-Ann Gross), Девин ДеВиз (Devin DeWeese), Юрген Поль (Jurgen Paul), Роберт МакЧезни (Robert McChesney) ва бошқалар. Хўжа Аҳрор бўйича ёзилган хорижий адабиёт шунчалик кенг ва жиддийки, тадқиқотчидан уни алоҳида ёритиб бериш талаб қилинади ва биз мазкур ишда уни ўзимизга мақсад қилиб қўймаганимиз.

² Масалан, қаранг: Некоторые черты хозяйственной и политической деятельности Ходжа Ахрара // Узбекистан: страницы истории. Ташкент: 1991, с. 5—7.; Некоторые аспекты политической и религиозно-философской практики тарихата Накшбандийа в Мавераннахре XV века // Из истории суфизма: источники и социальная практика. Ташкент, 1991, с. 74—89.; Sufi Brotherhoods in the 15 th Century Central Asia // Bamberger Zentralasiestudien: Konferenzakten / ESCAS IV, Bamberg 8. —12. October 1991 / Ingeborg Baldauf; Michael Friederich (Hrsg.) — Berlin: Schwarz, 1994. s. 241—248.; Хваджа Ахрар // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Выпуск 1. Москва, 1998, с. 99—101.; History of Civilizations of Central Asia. Vol. 4 (Part 2): The Achievements (AD 750—15 th Century). Chapter 2, Part 3. Advent of Islam: Extend and Impact/ UNESCO, Paris, 2000. Pp. 81—85.

³ Тадқиқот ишларимизнинг боришида кўрсатган миннатсиз ёрдами учун мен бир қатор француз тадқиқотчиларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Булар Катрин Пужоль (Catherine Poujol) Париждаги Тиллар ва Шарқ маданияти (цивилизацияси) миллий институти (L'Institut National des Langues et Civilisations Orientales [INALCO]) профессори, Француз Миллий кутубхонаси (Bibliothèque nationale) форс кўлэмаларини сақлаш жамғармаси ходими Францис Риша (Francis Richard) ва Ўрта Осиё бўйича таниқли мутахассис, профессор Пьер Шувен (Pierre Chuvin)лардир. Бундан ташқари меъинг ишларимни тартибга солиб турган (координатор) ва илмий маслаҳатчи сифатида менга катта ёрдам кўрсатган Париждаги Ижтимоий фанларни тадқиқ қилиш олий мактаби [ENESS]нинг туркшунос олими, профессор Жиль Вейштайн (Gilles Veinstein)га ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдираман.

фанлари уйи [MSH]¹) томонидан Ижтимоий фанларни тадқиқ қилиш олий мактабида (Ecole des Hautes Etudes en Sciences Sociales [EHESS])² Дидро гранти бўйича тадқиқот олиб бориш учун расмий равишда таклиф этилган эдим. Ана шундай қатор илмий сафарлар натижаси ўлароқ бугун ўқувчи ихтиёрига тақдим этилаётган нусхани тайёрлашга эришилди.

МАНБАЛАР ХУСУСИДА

XV асрдан бошлаб Хўжа Аҳрор номи кўплаб тарихий манба ва эсдаликларда тилга олинади. Замондошлари томонидан айнан унга бағишланган бир қатор махсус манбалар ҳам мавжуд. Худди мана шу манбалар асосидаги маълумотлардан эшоннинг ҳаёт тарзини тасвирлашда фойдаланиб қелинган. Булар — Мир Абдул Аввал Нишопурийнинг³ «Масмуот», Муҳаммад Қозининг⁴ «Силсилат ал-орифин ва тазкират ас-сиддиқин», Мавлоно Шайхнинг⁵ маълумотлари ёзилган «Маноқибни Хўжа Аҳрор» (аноним) асарларидир.

Ўз даврида О.Д. Чехович бу манбалар хусусида умумий тавсифнома бериб кетган. Бу хусусда ундан кейин алоҳида жиддий ўзгариш ва янгилликлар бўлмади.

Биобарин, Хўжа Аҳрорнинг таржимаи ҳоли тўғрисида тавсифланган манбалардан бирини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу ўринда ас-Сафий номи билан машҳур бўлган Фахриддин Али бин Хусайн ал-Вониз ал-Кошифий (938/1532 вафот этган)нинг авлиёлар ҳаётига оид таниқли «Рашаҳот ал-ҳаёт» (бундан сўнг матнда «Рашаҳот» деб атаймиз) асари назарда тутиляпти.

Бу, шубҳасиз, ўрта асрларнинг бир қадар йирик ҳажмли ва кўпгина муҳим жиҳатларни ўзида қамраб олган асарла-

¹ Je voudrais remercier infiniment l'administration de la MSH et personnellement Monsieur M. AYMARD, Monsieur A. BERELOWITCH, Madame M. BALLAND pour les conditions très favorables à mon travail scientifique qu'ils ont su créer.

² Ушбу тадқиқот жараёнида ўзининг илмий ва амалий ёрдамини аямаган француз олими, Париждаги Ижтимоий фанларни тадқиқ қилиш олий мактаби [EHES]нинг профессори, Ўрта Осиё тарихи бўйича таниқли мутахассис 1998 йилдан бери Марказий Осиёни ўрганиш илмий тадқиқот институти (IFEAC) директори Винсент Фурньо (Vincent Fourniau)га чексиз миннатдорчилик изҳор этаман.

³ Ўз ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган кўлэзма.

⁴ Ўз ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган кўлэзма.

⁵ Ўз ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган кўлэзма.

ридан бўлиб, у бугунги кунда биз тадқиқ этаётган даврдаги Мовароуннахрнинг диний-сиёсий ҳаётини ёритиб беради.

«Рашаҳот» тарихда муҳим аҳамиятга эга бўлган асарлар сирасига киради. «Рашаҳот»нинг маълум маънода тарихий аҳамияти шундаки, у Ўрта Осиё ислом тарихида мазкур худуддаги кишиларда диний-мафкуравий дунёқарашни шакллантиришда муҳим рол ўйнади.

Тарихчи учун ёзма манбалардаги маълумотлар тарихий ўтмишни тиклаш ва баён этишда асос бўлиб хизмат қилиб келган. Лекин бунда тез-тез ўзига хос зиддиятлар келиб чиқадики, бундай вазиятларга шу пайтга қадар кам эътибор бериб келинмоқда. Булар ёзма манбалардаги хронологиянинг, яъни қўлёзмада тасвирланган даврнинг мос тушмаслиги, бошқача айтганда, ёзма манбанинг муаллифи ва мазмунига кўра белгиланган вақт билан биздаги мавжуд қўлёзмалар рўйхатидаги белгиланган вақт тафовутидир.

Шундай қилиб, қўлёзмаларнинг баённи бераётганда иккита муҳим жиҳатга амал қилиш жониз ҳисобланади. Булар — хронологик (воқеа-ҳодисаларнинг мос тушиши) ва муаммоли жиҳатлар. Қўлёзмаларнинг хронологик тавсифини бериш жараёнида яна иккита муҳим жиҳат мавжуд бўлиб, бу қўлёзмада кўрсатилган давр (ёки қўлёзма муаллифининг яшаган даври) ва мазкур манбанинг рўйхатда кўрсатилган даврдан аввалроқ қайд этилганлигидир. Кўп ҳолларда бу икки жиҳат ўртасидаги даврий фарқ жуда катта бўлади.

«Рашаҳот»га хос бўлган муҳим жиҳат шуки, у яссавийлик тарихи (XII аср) билан бирга нақшбандий шайх сифатида ном қозонган Хўжа Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолиятини илк марта баён қилиб берган асосий манба ҳисобланади.

Хронология ва таснифлаш (классификация)нинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ муаммолар тўғрисида гапирар эканмиз, қуйидаги жиҳатларни қайд қилиб ўтиш лозим бўлади. Биз «Рашаҳот»ни илк қадимий манбаларнинг бири сифатида эътироф этмоқдамиз. Шу жиҳатдан эътибор бериладиган бўлса, демак, қўлёзма муаллифи ўз асарини ҳижрий 909 (милодий 1503) йили ёзиб тугатади. Унинг 939/1532 йили дунёдан кўз юмганлигини эътироф этадиган бўлсак, Ўз ФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар Фондида сақланаётган энг илк рўйхат эса 977/1569 йил билан саналаштирилган¹.

Асар муаллифи 94 та сўфий шайхларнинг номлари, уларнинг ҳаёти ва табиатини тасвирлайди, ушбу силсилани Хўжа Аҳрорга қадар етказди ва тадқиқотчиларга шайхнинг ҳаёт фаолияти ҳақидаги кенг кўламли маълумотларни тақдим этади. Бундан ташқари, ас-Сафийнинг мазкур асарида Мовароуннахр, Туркистон ва Хуросон тарихи, маданияти, фалсафаси, иқтисодиёти билан боғлиқ кўплаб қимматли маълумотларни учратиш мумкин.

Айтиш мумкинки, ҳозирги кунгача тарихий фанлар соҳасида «Рашаҳот»ни тадқиқ қилиш бўйича махсус иш олиб борилмаган. Ўз вақтида, қайсибир даражада ушбу бўшлиқни тўлатиш мақсадида, биз асарнинг ўзига алоҳида қизиқиш уйғотадиган ва имкон қадар тўғри баҳолашга имконият берадиган мақола ёзиб, унда манбанинг тавсифидан ташқари муаллифнинг таржимаи ҳолини ҳам баён этган эдик¹. Мазкур рисолада биз ушбу мақоладан маълумот ва далиллар келтирмоқчи эмасмиз, фақат ўша вақтда бизга маълум бўлмаган ёки диққат марказимиздан тушиб қолган жиҳатларга эътибор қаратмоқчимиз, холос.

Бугунги кунда биз «Рашаҳот»ни тарихнинг ва машҳур сўфийлик тариқати бўлган яссавийликнинг илк манбаларидан бири сифатида бемалол эътироф эта оламиз. Асар Аҳмад Яссавий (562/1166 йили вафот этган) ҳаёти ва унинг яссавийлик тариқати силсиласига [маънавий ворислик шажараси (генеалогия)] кирувчи маънавий давомчилари тўғрисида қизиқарли ва муҳим маълумотларни беради.

«Рашаҳот»да Мовароуннахрдаги XII—XIV асрлардаги ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар алоҳида аҳамият касб этади. Булар: Марказий Осиё шайхлари мактабининг шаклланиши ва тарихга хўжагон — «ўқитувчи», «устоз» номининг кириши; мазкур мактаб асосчиси Абу Ёқуб Юсуф Ҳамадоний (535/1140 йили вафот этган) ҳақидаги маълумотлар; хўжагон — нақшбандийлик тариқатига асос солиниши ва унинг шаклланишига алоқадор бўлган шайхлар тўғрисидаги маълумотлардир.

«Рашаҳот»даги дунёвий ва диний арбоблар ўртасидаги муносабатларга бағишланган ҳикоялар, хусусан, темурийзода Шоҳрухнинг Самарқанд тахти учун бошқа бир темурийзода Халил Султонга исбатан олиб борган курашининг нақшбандия етакчилари томонидан қўллаб-қувватланиши

¹ Қўлёзма баённомасига қаранг: Каталог СВР АН УзССР, том III, Ташкент, 1955. 294-бет.

¹ Э.Э. Каримов. «Рашахат айн ал-хайат» как источник по изучению истории Мавераннахра XV века. — «Общественные науки в Узбекистане». Ташкент, 1990, № 1. с. 40—44.

ҳақидаги маълумотлар; таниқли дин арбобларининг темурийзода Мирзо Улугбек билан ўзига хос муносабатларидан дарак берувчи кўплаб далил ва бошқа маълумотлар асарга, шубҳасиз, қизиқишни орттиради.

Айниқса, «Рашаҳот»да тасвирланган XV асрдаги ҳарбий-сиёсий воқеаларни алоҳида қайд қилиб ўтиш лозим. Масалан: темурийзода Абу Саид томонидан Самарқанд тахти учун олиб борилган кураш ва унинг ишғол этилиши; 1454 йилги Самарқанд мудофааси; 1470 йили Самарқанд мудофаасининг ташкил этилиши; Шоҳрухияда Султон Аҳмад, Умар Шайх ва Султон Маҳмуд ўртасида тузилган сулҳ битими ва Мовароуннаҳрнинг ушбу даврига онд бошқа кўплаб маълумотларни келтириш мумкин.

Ва ниҳоят, ас-Сафий асари XV асрнинг иккинчи ярмида исми нақшбандия тариқатининг гуллаб-яшнаши билан алоқадор бўлган Хўжа Аҳрор (895/1490 йили вафот этган) нинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва фаолиятини ёритиб берган асосий манбалардан биридир.

Бизнинг нуқтаи назаримизча, «Рашаҳот»нинг ноёблиги куйидагиларда намоён бўлади. Ушбу манба, аввало, оригинал ва мустақил равишда шаклланган қатор тарихий ва биографик анъаналарни ўзида мужассамлаштирган ва мувофиқлаштирган. Ас-Сафий асарида Хўжа Аҳрор таржимаи ҳолининг тўла ва расмий версияси билан қандай бўлса шундайлигича танишамиз ва муаллиф фикрларига албатта қўшилишимиз. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, шу даврга қадар Хўжа Аҳрор ҳақидаги хотиралар ва унга берилган баҳо халқ хотирасида худди ана шу материаллар асосида сақланиб қолган. Хўжа Аҳрорнинг, ўрта аср манбаларида тасвирланганидек, ҳақиқатда қандай одам бўлганлигини кўрсатувчи маълумотларга маълум даражада қўшилиш ҳам мумкин, қўшилмаслик ҳам. Лекин далиллар далилликгича қолади¹ — шайх ўз ваъзларида ташвиқ этган фикр ва ғояларга ҳақиқатдан ҳам ишонган; у сўфийликнинг нақшбандия тариқатига киритган ўз назарий қарашларини имкон қадар ҳаётга амалиётга татбиқ этишга ҳаракат қилади. Узоқ вақтлардан бери олимлар ўртасида қизғин мунозараларга сабаб бўлиб келаётган Хўжа Аҳрорнинг тинчликпарвар сиёсати, хўжалик юритиш фаолияти ҳамда унинг шахси ва аъмолидаги бошқа кўплаб қирраларни ана шу билан изоҳлаш мумкин.

¹ Бу ҳолат Хўжа Аҳрорнинг ҳаётлиги даврида ўзи тўғрисида ёзилган таржимаи ҳолидаги маълумотлар билан таниш бўлган деган фикрларнинг тасдиғини беради.

Авлиё-анбиёлар қиссаси (агиография) битилган манбалар тавсифида алоҳида ўринга қўйилган Хўжа Аҳрорнинг сўфийлик йўли ўзида нималарни акс эттиради? Яқин вақтларга қадар олиб борилган жиддий тадқиқот ишларида шайх ҳаётининг илк даврини ўрганиш муҳим масала сифатида қўйилмаган, чунки манбалар муаллифлари реал тарихий фактларни уйдирмалар билан боғлаб кўрсатганлар, деб ҳисобланган.

Бизнинг фикримизча манбаларнинг ушбу қисмига қуйидаги нуқтаи назардан ёндошмоқ лозим. Агиографик асарлар муаллифлари Хўжа Аҳрор қиёфасида комил сўфийнинг Ҳақни мистик тушунишдаги йўли, фалсафаси, маънавияти, тафаккур тарзи, тариқат йўлидан бораётган инсон руҳияти ҳақидаги йиғма образнинг уюшган тасвирини берадилар. Бу эса қайсидир маънода у ёки бу ҳаётий лаҳзаларда сўфийларнинг хатти-ҳаракат ва интилишларини тушуниш имкониятини бир қадар кенгайтиради, Хўжа Аҳрор ва унинг шахсий хатти-ҳаракатига нисбатан муносабат билдирилганда эса, албатта унинг Мовароуннаҳрда XV аср иккинчи ярмидаги сиёсий жараёнларга нисбатан кўрсатган таъсири ҳам эътиборга олинади.

Балким агиографик манбаларда учрайдиган баъзи бир бўрттиришларга шу нуқтаи назардан қараш керакдир. Шу сабабли ҳам манбалар муаллифлари ўрта аср ўқувчиси онгига кучли таъсир кўрсатиш мақсадида реал ва мистик воқеаларни қориштирилган ҳолдаги бадий услубларга махсус мурожаат қилган бўлсалар ҳам ажаб эмас.

ХЎЖА АҲРОРНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Тўлиқ исми Насириддин Убайдуллоҳ бинни Маҳмуд аш-Шоший (1404—1490) бўлмиш Хўжа Аҳрор насл-насабли шайхлар авлодига мансуб бўлган тарихий шахсдир. Унинг ота-боболари ҳамда қавм-қариндошлари маълум ва машҳур диний арбоблар, ислом тарғиботчилари ва тасаввуф ғояларини тарқатувчи кишилар бўлишган. «Рашаҳот» асари муаллифи ас-Сафий томонидан Хўжа Аҳрорнинг шажараси тўғрисида берилган маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, эшон авлодлари орасида Тошкент ва унинг атрофида машҳур бўлган бир қатор пир ҳамда сўфийларнинг номлари борлигини кўриш мумкин. Улар ижтимоий жиҳатдан ўша даврда ўзига тўқ табақа кишилари бўлиб, асосан деҳқончилик ва савдо билан шуғулланганлар.

Ас-Сафий Хўжа Аҳрорнинг ота томонидан асли бағдодлик Хўжа Муҳаммад ан-Номий авлодидан эканлигини таъкидлайди ва ўз фикрини давом эттириб, Хўжа Аҳрорнинг ота-боболари хоразмлик эканлигини ҳам кўрсатиб ўтади¹.

Ислондаги шофийлик мазҳабининг таниқли олими саналган имом Абу Бакр Муҳаммад бинни Исмоил Қаффол Шоший келгунига қадар Хўжа Муҳаммад Бағдод шаҳрида яшаган. Шайх Абу Бакр Қаффолнинг мақомотида айтилишича, Хўжа Муҳаммад бир йил ғозий (дин йўлида жанг қилувчи) бўлган ва Рум томонларга қилинган юришларда иштирок этган. Асар муаллифининг хабар беришича, у бир йил ҳажда бўлган ва бир йил ўз вилоятида бўлиб, шариатни ўрганган ҳамда тариқат йўлига кирган. Хўжа Муҳаммад пири Қаффол Шошийга мурид тушганидан сўнг у билан Бағдоддан Тошкентга келган².

«Рашаҳот» муаллифининг сўзларига қараганда, Хўжа Аҳрор она томондан Шайх Умар Боғистонийга бориб боғланади³. «Рашаҳот»да қайд этилишича, Умар Боғистонийнинг тўнғич ўғли машҳур шайх Хованди Тоҳур бўлиб, у руҳоний ва аниқ илмларда юксак даражаларга эришган⁴. Шайх Хованди Тоҳурнинг ўғли Хўжа Довуд бўлган. Хўжа Аҳрорнинг онаси Хўжа Довудга қондош бўлган ва Хўжа Аҳрор шу тарзда шайх Хованди Тоҳур (Шайхонтоҳур)га авлод саналади. Улар саййидлардан бўлиб, Муҳаммад пайғамбарга авлод ҳисобланган.

«Рашаҳот» муаллифи асарда Хўжа Довуднинг Муҳаммад Порсо билан ўзаро алоқалари ҳақида ҳам ёзади. Муҳаммад Порсо Андижон вилоятидан Самарқандга бораётганида ўз кишисини Тошкент йўлидан Хўжа Довуд ҳузурига жўнатади⁵. Шундан сўнг ас-Сафий шайх Умар Боғистонийнинг бошқа авлодларини ҳам санаб ўтади⁶.

Хўжа Аҳрорнинг амакиси — Хўжа Иброҳим Шоший ўз таъсири билан эшон ҳаётида муҳим ўрин тутганлиги диққатга сазовордир. Кейинчалик Хўжа Аҳрор амакиси ўз замонасининг билимдон ва ақлли кишиси бўлганлигини таъкидлайди. Ас-Сафий бу борада аниқлик киритиб, уни Са-

¹ Ас-Сафий, Фахр ад-Дин Али ал-Кошифий. Рашаҳот айин ал-ҳаёт. Литография. Лакноу. 1905. 207-б. (Кейинчалик «Рашаҳот».)

² Рашаҳот. 207—208-бетлар.

³ Рашаҳот. 208-бет.

⁴ Рашаҳот. 209-бет.

⁵ Рашаҳот. 211-бет.

⁶ Рашаҳот. 212—215-бетлар.

марқандлаги Абаки Темур мадрасасида Сайид Шариф Журжоний билан таълим олганлиги ҳақидаги маълумотларни ҳам келтиради¹.

Хўжа Аҳрорнинг катта бобоси Хўжа Шаҳобиддин Шоший деҳқончилик ва тижорат билан шуғулланган. Унинг икки фарзанди бўлиб, улар — Хўжа Муҳаммад ва Хўжа Маҳмудлардир. Хўжа Аҳрор Хўжа Маҳмуднинг набираси бўлади².

«Рашаҳот» муаллифи Хўжа Шаҳобиддин Шоший билан боғлиқ қуйидаги воқеани ҳикоя қилади. Ўлими яқинлигини сезгач, Хўжа Шаҳобиддин ўзининг барча қавм-қариндошларини унинг ҳаққига Яратгандан розилик сўраш учун чақиртиради. Ҳамма фарзанд ва набиралар йиғиладилар. Хўжа Шаҳобиддин уларнинг ҳар бирига сўнги васиятини айтади. Навбат Хўжа Аҳрорнинг отасига келганда мўйсафид унга фарзандини олиб келишни буюради. У вақтда Убайдуллоҳ Аҳрор жуда кичик бўлиб, уни хирқа (дарвешлар кийими)га ўраб олиб келадилар. Хўжа Шаҳобиддиннинг назари кичкина Убайдуллоҳга тушган заҳоти кучли ҳаяжонга тушади. Кўзлари ёшга тўлиб, боланинг манглайига қўлларини теккизганча шундай дейди: «Бу бола келажакда дунёни эгаллайди, шариатни тарқатади, тариқатга ривож беради, ҳукмдорлар унинг аҳкомларини бажарадилар, ўтган барча шайхлар кўрсата олмаган кароматларни кўрсатади»³.

Хўжа Аҳрорнинг отаси Хўжа Маҳмуд Шоший бўлиб, Эшон ўзининг нақшбандия тариқати илми ва амалиёти учун ўта муҳим бўлган «Рисолайи волидия» асарини унга бағишлаган⁴.

Хўжа Аҳрор Тошкент яқинидаги Боғистон қишлоғида туғилган. Маҳаллий аҳоли ўртасида, одатда, бола бир ёшга кирганда илк бор соч олиш маросими ўтказилган, кичкина Насириддин Убайдуллоҳнинг биринчи марта сочи олинаётганда қуйидаги воқеа бўлиб ўтади. Таомлар тайёрланиб, меҳмонлар энди зиёфатга ўтирмақчи бўлиб турган вақтда тўсатдан Амир Темурнинг вафоти ҳақидаги хабар тарқалади. Бу ноҳуш хабар бир зумда тўс-тўполонга айланиб кетади. Меҳмонлар ўринларидан туриб, шошилганча қозонларда тайёр турган егуликларни ағдариб ҳар ёққа қоча бошлайдилар ва яшириниш учун тоғларга чиқиб кетадилар⁵.

¹ Рашаҳот. 216-бет.

² Рашаҳот. 218-бет.

³ Рашаҳот. 218—219-бетлар.

⁴ Рашаҳот. 219-бет.

⁵ Рашаҳот. 220-бет.

Бу воқеани таҳлил қилиш учун унга табиий ҳол сифатида қараб, қуйидагича изоҳ бериш мумкин: ҳукмдорнинг ўлими охир-оқибатда меросхўрлар ўртасида ўзаро уруш, тахт учун кураш ва талон-торожларга сабаб бўлар эди. Шу сабабли оддий фуқаро кўпинча хавфсиз жойлар, хусусан, юқорида тилга олинганидек, тоғларга яшириниб олиб, хатарли кунларнинг ўтиб кетишини кутишга мажбур бўлганлар¹.

Хўжа Аҳрорда бағишлаб ёзилган асарларнинг муаллифлари Хўжа Аҳрорда мистик йўлга мойиллик болалик пайтларидаёқ пайдо бўлганлигини этироф этишади. Уни 3—4 ёшларида бошланғич мактабга берадилар². Хўжа болалигида ҳаёлпараст, ўта таъсирчан ва бир оз асабий бўлган. Шўхчан ўртоқларидан ўзини олиб қочар, болаларнинг ўйинларига деярли қўшилмасди. Ёшлигиданоқ унинг қалбини илоҳий асрорлар қамраб олган эди.

Хўжа Аҳрор ўша йилларни эслар экан, гўё ўша вақтдаёқ унинг қалби Худога талпинганлигини, доимо Яратганнинг ишқи билан яшаганлигини сўзлар эди³. Ёш Насириддин Убайдуллоҳни Халлоқи олам ҳақидаги ўй ва фикрлар банд этиб қўйган эди. У одамлар Худо ҳақида кам нарса биладилар, ўз ҳаётлари мобайнида Тангри таолога етарли даражада таважжух қилмайдилар деб ҳисобларди⁴.

Хўжа Аҳрор болалик чоғиданоқ кароматли тушлар кўради. Бир кунни тушида Шайх Абу Бакр Қафқол Шоший намоеъ бўлади ва унга насиҳат қилади. Кейинчалик унинг тушига бошқа табаррук шайхлар ҳам кириб уни сўфийлик йўлига чорлайдилар. Ёш Хўжа ўз тушларидан бирида Баҳоуддин Нақшбандни кўради ва пир унинг қалбини тасаввуф нури билан ёритади. Мазкур авлиёнинг таъсири шу қадар кучли бўладики, Хўжа Аҳрорнинг оёқларида жон қолмайди. Аммо кейинроқ у ўз вужудида бир сарбастликни, яъни кучига куч, ғайратига ғайрат қўшилганини ҳис этади. Бошқа бир тушида унга Хўжа Муҳаммад Порсо рўбарў келади ва ҳоказо⁵.

Хўжа Аҳрорнинг таржимаи ҳолида ёзилишича, ўспиринлик йиллари Тошкентда яшаган пайтларида, одамлардан ўзини узоқроқ олиб юрган, кечалари қабристонларни кезиб

чиққан ҳамда авлиёларнинг қабрлари олдида тун бўйи мижжа қоқмай чиққан. Одамлар билан сўзлашиш унга малол келарди, чунки улар унинг ўз фикрларини жамлаш ва мушоҳада қилишига халақит беришарди. Бу даврда Хўжа Аҳрор мулоқот қиладиган кишилар донраси тор бўлиб, у асосан дарвеш ва девоналар билан бажонудил суҳбатлашини маъқул кўрарди¹. Айни пайтда Хўжа Аҳрор ҳаёт тарзи нақшбандия сулукининг таълимотида асосий ақидалардан ҳисобланган «хилват дар анжуман» (анжуманда ёлғизлик) билан белгиланган. Сўфийликнинг «хилват» ақидаси (ёлғизлик, танҳолик) сулук амалиётини тубдан ўзгартириб юборадиган яна бир маъно касб этади. Мана шу ўринда, Хўжа Аҳрор нақшбандия тариқатини кейинроқ, яъни Чағониёнда Яъқуб Чархий билан бўлган учрашувдан сўнг танлаган эмасмиди деган эътироз туғилиши мумкин. Аслида Хўжа Аҳрорнинг сўфийликни муайян ақида, тамойил ва ҳаққа етишиш йўлини эгаллашида аниқ бир сулукининг назарий-амалий усуллари мурожаат қилган вақти нисбий мазмун касб этади. Негаки, у аввал Яъқуб Чархийдан сабоқ олади, аммо кейинчалик унинг олдига шаклланган етук сўфий сифатида ташриф буюради. Шу билан биргаликда Хўжа Аҳрорнинг сулолавий ва қариндошлик жиҳатларини кўрсатувчи шажараси унинг нақшбандия тариқатига бевосита алоқаси борлигидан гувоҳлик беради. Ўша вақтларда «оилавий муносабатлар — кишининг у ёки бу сулукка мансуб бўлишини аввало айнан шу кўрсаткичлар белгилар эди...»²

Ёшлигида Хўжани сўфийлик йўлининг биринчи босқичига олиб кирадилар. Бу ҳолат «унинг ўз ихтиёри билан ҳаётини ўзгартиришини, ўзligидан кечиш ва ушбу танланган йўл асосида бутун борлигини оламнинг ягона Яратувчисига йўналтирганлигини англатар эди»³. «Рашаҳот» муаллифи Хўжанинг болалигида кечган ушбу воқеаларни Ҳасан Аттор номи билан боғлайди⁴. Бу ўринда бизни муршиднинг аниқ номи эмас⁵, балки ас-Сафийнинг Хўжа Аҳрор номи-

¹ В.Л. Вяткин. Из биографии Ходжи Ахрара. 692-бет.

² Ж.С. Тримингем. Суфийские ордены в исламе // Перевод с англ. А.А. Ставиской, под редакцией и с предисл. О.Ф. Акимюшкина. Москва, Наука. Глав. ред. вост. лит.-ры, 1989, 183-бет.

³ Ж.С. Тримингем. Суфийские ордены в исламе. 163-бет.

⁴ Рашаҳот. 222-бет.

⁵ В. Бартольд ўзининг, «Улугбек ва унинг даври» (Улугбек и его время) номи монографиясида Ҳасан Атторнинг Хўжа Аҳрорга муршид бўлиши мумкинлигига шубҳа билан қарайди: Бартольд В. В. Улугбек и его время. Сочинения, Том II, Часть 2, Москва, 1964, 124-бет.

¹ В.Л. Вяткин. Из биографии Ходжи Ахрара. Туркестанские ведомости. Ташкент, 1904, № 147. 692-бет.

² Рашаҳот. 220-бет.

³ Рашаҳот. 220—221-бет.

⁴ Рашаҳот. 221-бет.

⁵ Рашаҳот. 221—222-бет.

дан келтирган ва унга нисбат бериб айтилган кўрсатмалар маъноси ҳамда уларнинг ёш мистикка қандай таъсир ўтказганлиги қизиқтиради¹. Биз учун ушбу маълумотлар шуниси билан муҳимки, улар Хўжа Аҳрор шахсиятининг илк даврларини ўрганишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ёшлигида Хўжа Аҳрор маънавий комилликни эгаллаш санъати билан шуғулланади ва бу унинг учун жуда қийин кечади. Устози (матн бўйича Ҳасан Аттор) ўз муриддини одамларга хизмат қилиш, фақир ва мазлумларни ҳимоя этишга чорлайди. Аслида эшоннинг сўфийлик йўлига кириши реал дунё ва унинг муаммоларидан четлашиши дегани эмас.

Ас-Сафий бошқаларга ибрат бўлишини кўзда тутиб, Хўжа Аҳрорнинг ўз сўзларини келтиради. Унга кўра сулук аввалида сўфийнинг бутун вужудини одамларга, яъни озод инсон ёки қул, қора ёки оқ танли, каттами ё кичик бўлишидан қатъи назар, уларга хизмат қилишдек кучли маънавий эҳтиёж қамраб олади². Шу ўринда ас-Сафий қизиқарли ва сермазмун ҳикояни келтиради. Унда Хўжа Аҳрорнинг бир саҳройи туркий йигит билан учрашуви ҳақида сўз боради. Хўжанинг отасининг Гулистон деган ерда зироати бўлиб, у саҳройига бир қоп дон бериб юборади. Шунда камбағал туркий йигитни ёш Хўжанинг хулқи ва муомаласи ҳайратга солади. У Хўжанинг туркий шайхлар сўзига амал қиладиган йигит эканини айтиб, унинг ҳақиқага дуо қилади. Ҳикоя сўнгида «Рашаҳот» муаллифи Хўжа Аҳрорнинг «мен ўша дуо туфайли кўп баракотлар топдим» деган сўзларини келтиради³.

Ҳикоя мазмунига қараганда кўчманчи туркий йигит билан бўлган муносабатдан сўнг Хўжа Аҳрор ўз турмуш тарзини ўзгартиргани ҳақиқатан ҳам алоҳида мазмун касб этади. «Рашаҳот»да Хўжа Аҳрорнинг кўчманчи муҳитга мансуб кишилар билан қалин дўстона муносабатда бўлганлиги, унинг шу каби алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдори эканлигидан далолат берувчи кўплаб воқеа ва ҳикояларни учратиш мумкин. Аммо шу нарсани унутмаслик керакки, бундай муносабатлар ҳамиша умумий диний қарашлар воситасида амалга оширилган.

¹ В.Бартольд Эшоннинг «маънавий комиллик» билан шуғулланганлиги ҳақидаги ҳикоя эпизодини икки марта келтиради, аммо унинг тўлиқ маъно ва мазмунини изоҳламайди. Ушбу монографияда бу мақсад кўзда тутилмаган: Улугбек и его время. 123, 167-бетлар.

² Рашаҳот. 223-бет.

³ Рашаҳот. 223-бет.

Маълумки, шайх тарихга кўчманчилар ўртасида исломни тарқатувчи ва уларнинг турмуш тарзида туб бурилиш ва ислоҳотлар қилган шахс сифатида кирган. Манбаларда Хўжа Аҳрорнинг туркий муҳит билан узвий алоқада бўлганлиги тез-тез таъкидланади. Хўжа Аҳрорнинг ёшлик чоғида у билан учрашган, асли Самарқанд, Ҳирот ва хуросонлик бўлган XV асрнинг машҳур диний арбоблари Хўжани «*шайхзодаи Туркистоний*» деб атаган эдилар¹. Эшон ҳаёти ва фаолиятининг бу каби муҳим томонларига кейинроқ яна муножаат этамиз. Ҳозир Хўжанинг ёшлик даврига тўхталиб ўтайлик.

Ўзининг «раиятга хизмати»ни Хўжа Аҳрор ягона мақсад — Оллоҳга интилишга бўйсундиради. Бу ерда биз сўфийлик таълимотининг энг муҳим жиҳатига яқинлашамиз. Ҳаққа етишиш йўлида нафақат ўзликдан кечиш, айни пайтда ўзлигини ўзгартариш ёки қайта тажассум топиш ва шу тариқа замондан холи тажриба ҳосил қилиш асосий мақсад қилиб қўйилади. Тасаввуфга оид кўплаб манбаларда, шу жумладан, «Рашаҳот»да бу ҳақида тўғридан-тўғри сўз боради. Бундай интилиш ё Хўжа Аҳрорнинг билдирган мулоҳазалари асосида, ёки унинг ҳаётдан лавҳалар келтириш орқали, ёки бўлмаса ўзга кўплаб сўфий шайхларнинг фаолиятларига асосланган ҳолда баён этилади. Бу ҳолатни эсда сақлаб қолиш лозим бўлади, негаки унда қандайдир экстаз, яъни жазавога тушиш эмас, балки мистицизмнинг бош масаласи ҳисобланган аниқ мақсадга эришиш амалга оширилади. Мистик тажриба экстазга нисбатан анча кам учрайдиган ўзгача тартибдаги ҳодисадир. Муршидлар экстазни турли хил усуллар воситасида нисбатан осон юзага келтириш мумкинлигини аниқ билишган. Айни вақтда улар экстатик транс ҳолати «мистик билиш йўли» (тариқат)нинг муқаррар ҳамроҳи эканлигини яхши тушунар эдилар².

Хўжа Аҳрорнинг ҳаётини баён этар эканмиз, унинг фаолиятида юқорида қайд қилиб ўтилган жиҳатларни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз.

«Рашаҳот»да биз ёш Хўжанинг кечалари қабристон, мазор ва мақбараларни кезиб юрганлиги ҳақида ҳикоя қилувчи саҳифаларга дуч келамиз. Ас-Сафий ўз асарида Хўжа Аҳрорнинг ўша вақтда Тошкентда мавжуд бўлган барча мазор ва қабристонларда бўлганлигини эътироф этувчи маълумот-

¹ Рашаҳот. 227-бет.

² Ж.С. Тримингэм. Суфийские ордены в исламе, 163-бет.

ларни келтиради. Хўжа тушлари уйдан чиқиб кетар ва шайх Абу Бакр Қаффо Шаший, шайх Хованди Тоҳур, Хўжа Иброҳим Кимий, шайх Зайниддин Дорифон ва бошқа авлиёларнинг мазорлари олдида ўтирар эди¹.

Қабртош ва мақбаралар билан тўла қабристонда сукунат, зимистон тун, осмонда фақатгина ой ва юлдузлар милтирайди... Мистик мушоҳадага мойил қилувчи бундан ортиқ яна нима бўлиши мумкин? Сўфийлик таълимотида инсон онгига руҳий жиҳатдан нозик ва аниқ таъсир қилиш услубларининг ўйлаб топилганига қойил қолмай бўладими. Масалан, биргина «тун» омили. «Барча давр ва ақлий тараққиётнинг барча босқичларида ой ёғдусининг руҳий кайфиятга таъсири ҳақидаги ҳиссиётлар орқали тан олинган ҳақиқатни кузатиш мумкин»². Ҳаммага маълумки, бошқа томондан, қоронғилик инсонда мудҳиш кўрқув туйғусини уйғотиб, умумий ҳиссиётга таъсир кўрсатади. Сукунатга чўмган зимистон тун узра узоқ уфқда милтираб кўринган ёрқин ёғду кўрқув туйғусини бўшаштиради... ана шунда беихтиёр вужудга қандайдир нашидали қувонч туйғуси ҳис қилинади. Ва фақат маълум ҳоллардагина юзага келиб, инсоннинг бутун руҳий дунёсини қамраб оладиган бу уйғун ҳиссиёт ўзи билан худди инсоннинг жону танини тўлдирётгандек бўлади.

Тун зулмати ёки сўфийнинг Худога мувоқабат (медитация) қилиш учун ўтиришга мослаштирилган зим-зиё хона ва мана шу каби манзаралар албатта инсон онгига таъсир кўрсатмай қолмайди. Кўзнинг тўрпардаси атроф-мақон ҳақида маълумот ололмаслиги натижасида ҳар қандай мўлжал ва мезонлар йўқолади. Ҳиссий аъзолар томонидан объектив оламни бевосита акс эттирилишига таъсир кўрсатилади. Инсонни ишончсизлик ва иштибоҳ ҳолати эгаллаб олади. Онг бундай ҳолатда бўлганда кўз тўрпардасининг ёруғлик нури билан таъсирланиши мия томонидан қабул қилиниб, шайдоликка яқин бўлган диққатийлик ҳолатини юзага келтиради.

¹ Рашаҳот. 223-бет.

² К.Казанский ўзининг «Сўфизм ҳозирги замон психопатологияси нуқтаи назаридан» номли китобида (Суфизм с точки зрения современной психопатологии. Самарканд, 1905) инсон кайфияти, ҳаяжонлари ва бошқа ҳис-туйғуларнинг турли ранглар билан боғлиқлигини мисол тариқасида келтиради. Бу боғлиқлик бизнинг замонавий фаннинг яхши таниш ва ўз ишотини топган. Инсон томонидан қизил ранг — кўзгатувчи, кўк — совуққон, яшил — тинчлантирувчи ва ҳ.к. сифатида қабул қилинади ва унга шу тартибда таъсир ўтказилади.

Бундай вазиятда ботиний кайфияти шунга мос бўлган ёш мистик Илоҳнинг яқинлигини бевосита ҳис қилиши мумкин. Шу тариқа ёш Хўжа ғойибдан келаётган овозларни эшита бошлайди, уни номаълум шарпалар ўраб оладиган бўлади. У ҳориб-чарчаган ҳолда қабр тепасида ухлаб қолади, ammo шундай бўлса-да, воқеалар ривожини тушдаги фаолиятда яна ҳам аниқ ва ишончли мазмун касб этган ҳолда ривожланиб бораверади.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, «туш» сўзи манбаларда биз бугун тушунадиган маънода қўлланилмайди. Мистик «туш» ўзида кўпроқ транс ҳолатини акс эттиради.

Узлуксиз руҳий-жисмоний машқлардан сўнг хилват диний жиҳатдан роҳатланиш, шайдолик ва ҳайрат манбаига айлана бошлайди. Бу мистикада ўзига хос руҳий эҳтиёж саналади. Ёш мистик бу каби ҳиссиётларни бошидан кечирар экан, шундай дақиқаларни кўмсаб, Ҳақни янада чуқур тушуниш ва мушоҳада қилиш ҳолатига интилади. Ас-Сафий ёзганидек, бундай дақиқаларда Хўжани ҳеч қандай куч унинг суюкли машғулотида четга торта олмасди. Ушбу дамлар тўғрисида «Рашаҳот»да қуйидаги сўзларни учратиш мумкин: «Хўжа ваҳимали ерда жойлашган Абу Бакр Қаффо Шаший қабри ёнида ўтирарди. Кунлардан бир кун бир киши уни кўрқитмоқчи бўлади, ammo Хўжа бошини қуйи солганича хотиржам ўтириб мувоқабатда давом этади ва мувоқабатини ўзгартирмайди. Бундан ҳалиги одам ҳайратга тушади ва Хўжанинг олдида тиз чўкиб ундан узр сўрайди, кейинчалик эса Хўжа Аҳрорга мухлис бўлиб қолади»¹. «Рашаҳот» муаллифи асарда шайх ҳаётини шунга ўхшаш кўплаб лавҳа ва мисолларни келтиради.

Хўжа Аҳрор мистик учун хос бўлган барча йўлни босиб ўтади. Бу йўлни у изчил, аниқ мақсадга интилган ҳолда «мақом» ва «ҳол» тушунчаларидан иборат бўлган «комиллик пиллапоясидан кўтарилиб босиб ўтади. Айнан шуларнинг ҳисобига сўфий Холиқ ва унинг махлуқи ўртасидаги турли хил босқичлардан ўта олиши мумкин: «Агар чуқур мулоҳаза юритиладиган бўлинса, шахсий саъй-ҳаракатлар билан илоҳий нурдан илҳомланишнинг қўшилиши — бу доимий кундалик тажриба маҳсули эканлиги яққол намоён бўлади. Кўз олдимизда машаққатли тажриба олиб борниш жараёнида бирдан тадқиқ қилинаётган муаммонинг ечимини интуитив ҳиссиёт алангаси орқали топган олим сиймосини тасаввур

¹ Рашаҳот. 224-бет.

қилиб кўрайлик. Бироқ биламизки, узоқ, оғир машқларсиз аланга ўз-ўзидан бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу каби илҳомланиш кишига гўё мўъжизали инъом бўлиб кўринади»¹.

Хўжа Аҳрор ўзининг шайх Қафқол Шоший мазорида бўлиб ўтган ва биз юқорида эсга олган хотираси ҳақида сўз юритар экан, ўша одам уни кўрқитмоқчи бўлиб яширинган жойидан сакраб чиққан ва жонҳолатда қичқира бошлаган вақтда ўзининг «ҳол» ҳолатида бўлганлигини таъкидлайди².

XX аср бошларига мансуб бўлган муаллифнинг фикрига кўра: «Узлуксиз риёзатлар чекиш натижасида дарвишлар бошқаларни ўзларига бўйсундирувчи кучга эга бўладилар. Бизнингча, фикрнинг доимий равишда айнан бир хил сўзлар билан ифодаланиши ва ақлнинг қандайдир ярим мудроқ ҳолатининг юзага келтирилиши иродани бўшаптиради. Бу эса дарвишга ундан катта кишилар иродасини ўзига осонлик билан бўйсундириш имконини беради»³.

Шуни ёдда тутиш лозимки, биз ўз тадқиқотимизда тақдирини баён қиладиган зотлар бизнинг бутунги мезонларимиздан мутлақо бошқача мезонлар билан яшаганлар. Улар ғайритабiiий оламнинг абадийлигига нафақат ишонганлар, балки уни мазкур абадийликда азалдан мавжуд деб ҳисоблаганлар⁴. Сўфийлар ҳаётидаги «ҳолатлар», «илҳомланиш лаҳзалари», «кароматлар кўрсатиш» тасвирларини улар яшаган давр муҳити билан боғлаб ўрганилмаса, биз оқилона мулоҳаза юритишдан маҳрум бўлган ҳисобланамиз⁵.

Шубҳасиз, тарихда юқорида айтилган ҳодисаларнинг мавжудлиги давр руҳи ва унинг маънавий-ахлоқий даражасини белгиловчи омил бўлиб хизмат қилади. Мулоҳазаларимизнинг тўғрилигини исботи фақатгина манбалар орқали тасдиқланади. Шу ўринда асосий бир масалага урғу бериб ўтишни истар эдик: юқорида келтирилган мисол ва матнларни фақат тасаввуф адабиётларидагина эмас, балки тарихий асар, йилнома ва бошқа ёзма манбаларда ҳам учратиш мумкин.

Шундай қилиб, биз сўфийликнинг айрим мистик-эстетик жиҳатларига тўхталиб ўтар эканмиз, унинг Хўжа Аҳрор шахсини шаклланишида қандай ўрин тутганлиги тўғрисида фикр юритишга ҳаракат қилдик.

¹ Ж.С. Тримингэм. Суфийские ордены в исламе. 119-бет.

² Рашаҳот. 224-бет.

³ П. Цветков. Исламизм. Том IV, Ислам и его секты. Ашхабад, 1913. 162-бет.

⁴ Ж.С. Тримингэм. Суфийские ордены в исламе. 185—186-бетлар.

⁵ Ж.С. Тримингэм. Суфийские ордены в исламе. 186-бет.

Хўжа Аҳрор ҳаётида «сўфизмни ўрганиш даври ҳар хил риёзатлар чекиш орқали ўзининг «ҳақиқатни англаш», «Ҳақни таниш» йўлига тайёрлаб бориш билан давом эттирилди»¹. Таъкидлаб ўтилганидек, тасаввуфда экстатик транс, мистик туш ва бошқа «кароматли» омиллар катта аҳамият касб этади, лекин шундай бўлса-да, улар Хўжа Аҳрор шахсидаги муҳим ва асосий жиҳатларни белгиламайди. Бизни кўнроқ тадқиқотда эшон ҳаёти ва фаолиятининг амалий томонлари қизиқтиради. Айнан «Рашаҳот» шайхнинг ўз давридаги аҳволини тасвирлаб берувчи кўплаб воқеалардан хабардор қилади.

Шоҳрух ҳукмронлиги даврида Хўжа Аҳрор ўзининг Ҳиротда бўлганлигини айтиб ўтади. У вақтларда Хўжа камбағал бўлиб, эҳтиёжлари учун маблағи ҳам бўлмаган. Ҳатто бошидаги дастори ҳам йиртиқ бўлган экан.

Бир кун *Бозори Малик*да бир гадои ундан хайр-салақа сўрайди. Шунда Хўжа ўз дасторини шу ердаги ошпазга бериб, у билан қозонни ювиш ва артиш эвазига гадоига бирон нарса беришини сўрайди. Ошпаз розилик бериб гадоининг қорнини тўйғазади, лекин саллани Хўжага қайтариб беради. Аммо Хўжа дасторни олмайди. Гарчи Хўжанинг от ёки эшаги ҳам бўлмаса-да, одамларга ёрдам берад, уларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қиларди. Унинг устидаги қабоси эскилигидан ҳатто чириб кетган эди.

Қиш фаслларида бирида Хўжа сафир қилиб юриб, Шоҳрухияга келиб қолади. Кичик зах бир ҳужрани ижарага олади. Қорли, ёмғирли кунларда ҳужрага лой ва халқоб сувлар тўпланиб қолар, совуқ ва изғирин забтига олганда, ўзининг тор келиб қолган кийимлари баданини иситмаётганлигини ҳис қилар, аммо масжидга қатнашни қанда қилмасди².

Шу алфозда ҳам у ҳеч кимдан ҳеч қачон маблағ ва ҳада олмаган. Бунинг мисоли сифатида ас-Сафий қуйидаги воқеани келтиради: Саъдиддин (Қошғарий) муриди Мавлоно Аҳмад Коризий муршидининг вафотидан сўнг ўз кўли билан оқ жун ишдан кийим тўқийди. Ва уни Кориздан Самарқандга Хўжа Аҳрорга юборади. Эшон ҳада учун миннатдорчилик билдиради, аммо уни қабул қила олмаслигини айтиб узр сўрайди ва қоғозга ўраб қайтариб юборади³.

Бу каби ҳикояларнинг ҳақиқатга қанчалик яқинлигини айтиш қийин. Лекин «Рашаҳот»ни ўқиган киши воқеалар

¹ В.Л. Вяткин. Из биографии Ходжи Ахрара. 693-бет.

² Рашаҳот. 225-бет.

³ Рашаҳот. 227-бет.

тасвири Хўжанинг тилидан баён қилинганлигини ва бу хотиралар унинг учун қимматли мазмун касб этганлигини сезиши табиий. Ундаги айрим тафсилотлар ҳақиқатан ҳам самимийлиги билан ўқувчини ишонишга мажбур қилади. Хўжанинг Ҳиротдаги беш йиллик сафари давомида қуйидаги воқеа содир бўлади. Кунлардан бир куни таниқли шайх Баҳовуддин Умар ўз уйига Хўжани таклиф қилади ва қўй гўшти билан сийлайди. Ҳафтада икки ё уч марта овқатланадиган киши учун бундай лақиқалар қандай қилиб эсла қолмасин¹. Бу, албатта, тўқ одамнинг мулоҳазаларига ўхшамайди.

Хўжа Аҳрор 22 ёшга тўлганда тоғаси Хўжа Иброҳим Шоший уни таҳсил олиш учун ота-боболар юрти Тошкентдан Самарқандга олиб кетади². Бу вақтга келиб Хўжа зоҳирий илмлардан кўра ботиний, руҳий фалсафа билан шуғулланишни ўзига асосий мақсад қилиб қўйган эди³. Амакисининг Хўжани зоҳирий илмлар билан шуғулланиш ва ҳаётини шунга бахшида этишга қилган даъватлари ҳеч қандай натижа бермади.

Самарқандда Хўжа Аҳрор кўпгина шайхлар билан танишади, уларнинг ваъз ва насиҳатларини тинглайди⁴. Хўжа ўзининг ақлий зийраклиги, ҳақиқатни англашга бўлган кучли иштиёқи билан атрофдагиларнинг эътиборини тортади. Хўжа тўғрисида улар — бу йигит келажакда дунёнинг тож-тахт соҳибларига ўз таъсирини ўтказари, дер эдилар⁵. Кейинроқ Эшон исломнинг қуввати деб ҳисобланган Бухоро шаҳрига боради. У бир оз фурсат бу ерда бўлгач, теурийлар давлатининг сиёсий ва диний маркази бўлган Ҳирот шаҳрига ўтади. Бу кўп йиллик саёҳатлари давомида Хўжа Аҳрор XV асрнинг машҳур шайхлари Саидқосим Табризий⁶, Зайнулдин Хавофий, Баҳоуддин Умар⁷ ва бошқаларнинг ваъзаларини тинглайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, тасаввуфни ўрганиш ва Ҳаққа элтувчи йўлнинг бошланғич қисмларини ўтиш даврида Хўжа Аҳрорнинг ташқи қиёфаси ва кўриниши анча аянчли бўлган.

Шаҳардан шаҳарга кўчиб юриш, доимий равишда тўйиб овқатланмаслик, узлуксиз касалликлар устига-устак олиб

борилган руҳий машғулотлар Эшонни ҳолдан тойдирар, соғлигини заифлаштирар эди.

Бу ҳолат, гарчи руҳий қувватни оширишга хизмат қилса-да, лекин жисмоний кучни заифлашувига олиб келувчи асабий зўриқишни кучайтирарди. Бунинг устига, тунги бедорлик ва зўриқиш натижасида сўфийларда тез-тез учраб турадиган касалланиш, яъни кўзлардан ёш оқизиб турувчи шамолланиш кўшимча қилиш мумкин. Хусусан, Абу Юсуф Ҳамадоний ёзишмаларида ҳам кўздаги ушбу касалланишлар тўғрисида маълумотлар келтирилади¹.

Маибаларда хабар қилинишича, Хўжа Аҳрор Самарқандда эканлигида ҳолдан тойиб касал бўлган вақтларида ҳам эринмасдан оғир беморларни парвартиш қилар, тунлари уч-тўрт кўза сув келтириб, уларнинг кирини юварди. Ҳиротдалигида ҳар куни эрталаб Пири Ҳери ҳаммомига қатнаб, у ердаги мижозларга холис хизмат қилган. Пархона ёки чўмилиш хонасидаги беш-олти кишига хизмати давомида у одам ажратмас, яхшию ёмон, оқ ва қора, озоду қулга бирдек ҳурмат кўрсатарди. Охирида Хўжа мижозлардан хизмати эвазига ҳақ олмаслик учун бир четга яширинишга ҳаракат қилар эди. Кейинчалик Хўжа Аҳрор ўша пайтларни бундай эслайди: «Ҳаммомда мен шунчалик ишлар эдимки, натижада иссиқ менинг аъзои вужудимда нуфур уйғотарди. Ҳозирга қалар ҳаммомга борганда мен буни эслаб ларзага тушаман»².

Ас-Сафий Хўжа Аҳрорнинг етишмовчиликлар ва турмуш машаққатларига қандай сабр ва хокисорлик билан бардош берганлиги ҳамда ўз вужуди, нафси ва истакларни билан узлуксиз курашганлигини шу каби мисоллар орқали тасвирлайди. Муаллиф томонидан хўжагон сулуқининг амалиётига таянган ҳолда бу каби меҳнат йўлининг зарур ва муҳимлигини тушунтирувчи қизиқ мулоҳазалар баён этилади: «Хизмат қилиш, ишлаш, яъни меҳнат ҳақиқий мусулмонга руҳий осудалик келтиришдагина фойдалидир. Қачонки у инсон қалбидан жой ололса, буни меҳнат самараси ила келган бойлик деса бўлади. Меҳнатнинг меваси ҳеч қачон бойлик бўла олмайди. Бойлик ўз-ўзидан келаверади, лекин бойлик тўплашга интилиш керак эмас. Аслида инсон ўз дунёсини маънан бойитиши учун ҳаракат қилмоғи керак»³.

¹ Рашаҳот. 226-бет.

² Рашаҳот. 227; 232-бетлар.

³ Рашаҳот. 228-бет.

⁴ Рашаҳот. 232 ва кейинги бетлар.

⁵ Рашаҳот. 233-бет.

⁶ Рашаҳот. 235—239-бетлар.

⁷ Рашаҳот. 239—241-бетлар.

¹ В.Л. Вяткин. Шайх Юсуф Хамадани // Туркистанские ведомости. Ташкент. 1898, 697-бет.

² Рашаҳот. 229-бет.

³ Рашаҳот. 229—230-бетлар.

Узоқ изланишлардан сўнг Хўжа Аҳрор ўзини «бозор ва савдо аҳли» аҳкомидаги сўфийлик тариқатига бағишлашга қарор қилди. Кунларнинг бирида Хўжа Баҳоуддин Нақшбанднинг таниқли муриди Мавлоно Яъқуб Чархий ҳақида эшитиб қолади. Хўжа Мавлонони излаб Халгату томон йўлга тушади. Чағониён вилоятига етганда ҳолдан тойиши оқибатида танадаги заифлик ва юқорида айтиб ўтилган касалликлар қайтадан кўзғалиши туфайли йигирма кун бетоб бўлиб ётиб қолади¹.

Яъқуб Чархий ҳузурига келган Хўжа Аҳрор ундан тасаввуф масалалари бўйича атрофлича маълумот олади. Мавлонодан Хўжа ўта тиришқоқлик ва кучли саъй-ҳаракатлар билан илм ўрганади ҳамда шу тариқа ўз тафаккурини бойитиб боради. Унинг таҳсинга сазовор ҳаёт тарзини кўрган Яъқуб Чархий Хўжага «Ҳаққа етишиш» йўлидан борувчи муридларга мустақил таълим берадиган «*иршод*» ҳуқуқини беради². Яъқуб Чархийдан таълим олган Хўжа Аҳрор Ҳиротга қайтади ва у ерда бир йил яшаб қолади. Сўнгра 1431—1432 йилларда 29 ёшли Эшон Мовароуннаҳрга, тўғрироғи, Тошкентга қайтади.

Кўп йиллик мусофирликдан сўнг машаққатли изланишлар даври ва узоқ йиллик шогирдлик тугаган, сўфийлик таълимининг тўлиқ босқичи ўталган эди. Таржимаи ҳолга оид манбаларга эътибор қаратсак, унда эшоннинг қуйидаги сиймоси гавдаланади: «Кўриниши аянчли бўлган, жисмонан заиф, аммо руҳан бой, сўзлари ўткир дарвиш... Унинг маънан бой бўлган обрўси маслаҳат, таскин ва тасаллига муҳтож бўлган кишилар диққатини ўзига тортарди»³.

Хўжа Аҳрорнинг шухрати кун сайин ортиб боради. Тошкентда яшар экан, у атроф жойларга кўплаб сафарлар қилишда давом этади. Паркент, Шоҳрухия, Самарқандда бўлиб, хўжагон — нақшбандия тариқатининг таълимотини фаол тарғиб қилади.

Хўжа Аҳрор бошқа шайхлар билан баҳс ва мунозараларда иштирок этар ҳамда ўзининг ордидан янги муридларни эргаштириб борарди⁴. Ваъз айтиш, муридларни ўзига жалб қилиш билан бирга омилкорлик ишлари билан ҳам машғул

бўлади: отаси сингари зироатчилик билан шуғулланар экан, ўзининг оддий деҳқон эканлигини таъкидлайди¹.

Ҳиротдан Тошкентга қайтгач, Хўжа Аҳрор 20 йил давомида, токи Темурийзода Абу Саид билан муносабат ўрнатмагунга қадар, мамлакатдаги сиёсий воқеаларда деярли иштирок этмайди. Бу жараён тадқиқотимизда алоҳида суҳбат мавзуини ташкил этади.

Ўрта асрлар Марказий Осиё тарихига Хўжа Аҳрор XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб таниқли ва обрўли сиёсий арбоб сифатида кириб келган. Амалий жиҳатдан олиб қаралса, Мовароуннаҳр тарихининг ана шу даврга бағишланган манбаларнинг барчасида шайхнинг фаолиятига тўхтаб ўтилади. Мисол тариқасида уларнинг айримларини келтираримиз: Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матла ас-саъдайн»и, Мирхонднинг «Равзат ус-сафо»си, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»си, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий»и, Масъуд ибн Усмон Кўхистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний»си, Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ал-асрор фи манокиб ул-аҳёр»и ва ҳоказолар.

Бу манбалар биз тадқиқ этаётган жиҳатлар юзасидан кўплаб тадқиқотчиларнинг ишларида фойдаланилган. Бизни қизиқтираётган давр ва муаммо бўйича шуғулланувчи ҳозирги замон муаллифларининг деярли барчаси «Рашаҳот»га мурожаат қилганлар ва ушбу манбадаги маълумотларни тасдиқлаш учун юқорида номлари зикр этилган қўлёзмалардан фойдаланганлар².

Юқорида билдирилган фикрлардан шу нарса аён бўладики, «Рашаҳот» муаллифи ўз асарида имкон қадар реал тарихий воқеаларга асосланган. Шу асосда ас-Сафий берган маълумотлар ҳозиргача бугунги замон муаллифларининг илмий ишларида фойдаланилмоқда³. Мутахассислар ўз тадқиқотла-

¹ Рашаҳот. 316, 338-бетлар.

² Қараиғ: Самарқандские документы XV—XVI вв. О владениях Хаджи Ахрара в Средней Азии и Афганистане // Факсимиле, критич. текст, перевод, введ., примеч. и указатели О.Д. Чехович. Москва, 1974, 631-б.; Азимджанова С.А. Черты социально-экономической жизни Ферганы на рубеже XV—XVI вв. // Труды Института востоковедения АН УзССР. Выпуск III. Ташкент, 1954. 25—42-бб.; Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. Москва, 1965. 195-б. ва бошқалар.

³ Қутибоев З. Хожа Аҳрор Валий. Тошкент, «Фан», 1996; Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. Тошкент, «Ёзувчи», 1993; Тўпламлар: Буюк сиймолар, алломалар (Марказий Осиёдаги машҳур мутафаккир ва донишмандлар) // Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир М.М. Хайруллаев. 2-китоб. Тошкент, 1996; Ғойиблар хайлидан ёнган чирролар. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994.

¹ Рашаҳот. 241-бет.

² Рашаҳот. 242-бет.

³ В.Л. Вяткин. Из биографии Ходжи Ахрара. 693-бет.

⁴ Рашаҳот. 302—303-бетлар.

рида Эшон фаолиятининг айрим эпизодларидан фойдаланганлар, лекин Шайхнинг сиёсий фаолияти ҳозирга қадар тўлиқ ёритиб берилмаган.

Хўжа Аҳрорнинг Абу Саид билан муносабатлари яқинлашгунга қадар сиёсий ҳаётда иштирок этишга уриниб кўрмаган деб қатъий ишонч билан айтиб бўлмайди. «Рашаҳот» муаллифи бошқа манбалардаги маълумотларга асосланиб айтадики, бундай фаолиятга Шайх аввалдан тайёрланиб келган. Унинг ёшлик чоғида тасаввуфни ўрганиш билан боғлиқ тарихий давр, ёшлик пайтидаги саёхатлари ва ҳатто бобоси Хўжа Шаҳобиддин Шошийнинг аввалдан Хўжани сиёсий арбоб бўлиши тўғрисида қилган «башорати» Хўжа Аҳрорнинг сиёсий арбоблик фаолияти унинг тақдирида азалдан битилган, деган ғояни тасдиқлашга қаратилган.

Буларнинг ҳаммаси, албатта, Хўжа Аҳрорнинг муридлари ва мухлислари онгида маноқобий асарларининг муаллифлари томонидан шакллантирилган яхлит, деярли маъдиёна «Ҳазрати Эшон» сиймосининг узвий, таркибий қисмлари эди.

Хўжа Аҳрорга сиёсий арбоблик шухрати бирданга келган эмас. Темурийлар сулоласидан бўлган Иброҳим Султоннинг ўғли Мирзо Абдуллоҳ ҳукмронлиги даврида Хўжа Аҳрор Самарқандга боради. Унинг ҳукмдор саройига келишидан мақсад — мамлакатда шариятни мустаҳкамлаш ва уни кенг ёйиш зарурлигини исботлаш ҳамда давлат раҳбари томонидан қўллаб-қувватланишига эришиш эди. Лекин Мирзо Абдуллоҳ Шайхга илтифот кўрсатмайди ва ҳатто қабул ҳам қилмайди. Хўжани подшоҳнинг амирларидан бири қабул қилади. Амир билан бўлган фойдасиз ва ҳақоратомуз суҳбатдан сўнг Хўжа Аҳрор Тошкентга қайтиб кетади¹.

Эшоннинг давлат сиёсатига араланиш йўлидаги дастлабки интилишларидан бири шундай яқунланади.

Мовароуннаҳрнинг XV асрга онд сиёсий воқеалари ва унинг тарихи ҳозирги замон тарихчилари томонидан муфассал баён этилгани бизга яхши маълум бўлгани учун уни такрорлаб ўтириш истагидан йироқмиз. Биз фақат Хўжа Аҳрорнинг реал тарихий воқеалардаги сиёсий иштирокини кенг манзарасини тасвирламоқчимиз, холос.

Темурийзода Абу Саид 1451 йили Самарқанд тахти учун олиб борилаётган кураш энг авжига чиққан пайтда ўзини қўллаб-қувватлаш ва кўмак беришни сўраб Хўжа Аҳрорга мурожаат қилади. Афтидан, темурийзода бу вақтга келиб

Хўжа Аҳрорнинг Тошкентдаги ижтимоий ҳаётда тугган мавқеини яхши билган. Балки айнан шу сабабли ҳам унга мурожаат қилган бўлиши мумкин. Манбаларда бу икки шахснинг яқинлашуви ва ўзаро муносабатлари ҳақида мистик ақидалар билан тўлиб-тошган кўплаб афсоналар келтирилади.

Бунга ўхшаш мисолларни Марказий Осиё тарихида тез-тез учратиш мумкин. Тожу тахт учун курашларда даъвогарлар кенг халқ оммасининг асосини ташкил этган шаҳар хунармандлари, дўкандорлар ҳамда «бозор аҳли ва савдогарлар» табақаларига кучли таъсир ўтказа оладиган руҳонийлар вакилларидан ўзларини қўллаб-қувватлашлари учун ҳамкорлар излаганлар.

«Рашаҳот»да ёзилишича, Абу Саиднинг Тошкент, Самарқанд ва Хуросонни забт этиши Хўжа Аҳрор томонидан аввалдан башорат қилинган. Кунларнинг бирида Абу Саид туш кўради ва у тушида Хўжа Аҳмад Яссавий билан суҳбатлашади. Яссавий унга Хўжа Аҳрор тўғрисида маълумот бериб, унга мурожаат қилиши лозимлигини айтади. Абу Саид Яссавийдан Шайхнинг номини сўрайди ҳамда унинг қиёфасини хотирасига жойлаб олади. «Рашаҳот» муаллифининг сўзларига қараганда, Абу Саид уйғонгач, Хўжа Аҳрор билан учрашиш учун йўлга чиқади. У Шайхни излаб Тошкентга келади ва бу вақтда Хўжанинг Паркентда эканлигидан хабар топади¹.

Султон Паркентга, Хўжа Аҳрор ҳузурига келади. Шайх унга пешвоз чиқади. Абу Саид Шайхнинг оёғига йиқилиб, уни дуо қилишини сўрайди. Мазкур манбада айтилишича, Хўжа Аҳрор унинг Самарқандга юриш қилишдан мақсади нима эканлиги ҳақида суриштиради. Сўнгра унга шарият аҳкомларини барқарор қилиш ва раиятга шафқат кўрсатиш ниятида юриш қилса, оқибати хайрли бўлиши ҳамда ғалаба қозониши мумкинлигини айтади. Абу Саид Эшонга шарият аҳкомларини барқарор этиш, фуқарога иноят кўрсатиш учун жидду жаҳд қилишга ваъда берган. «Рашаҳот» муаллифининг ёзишича, Хўжа Аҳрор учрашув сўнгида унга қуйидаги сўзларини айтган: «Шарият паноҳида боринг, хоҳишу истақларингиз амалга ошади»².

Башоратли тушлар кўриш, юқорида таъкидланганидек, ўрта аср адабиётида тез-тез учраб турувчи ҳодиса саналади. Урта аср жамияти кишиси учун тирик ёки у дунёга риҳлат

¹ Рашаҳот. 289-бет.

² Рашаҳот. 289—290-бетлар.

қилган авлиёнинг тушда намоён бўлиши, ё бўлмаса келажакни башорат қилиши табиий ҳол саналади. Манбаларда Хўжа Аҳрор шахси ва фаолияти билан боғлиқ бўлган кўплаб тушларнинг табири келтирилган. Бунга сабаб, эҳтимол, Хўжанинг жамиятдаги сиёсий обрўси баланд эканлиги бўлса керак. Хўжага кўпинча урушлардаги фатҳ ва ғалабаларни олдиндан кўра билувчи башоратчи сифатида нисбат берадилар.

Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1500—1501 (ҳижрий 906 й.) йилда Самарқандга қилинган юриш билан боғлиқ воқеаларни ўз эсдаликларида кўйидагича тасвирлайди: «Ушул фурсатта ажаб туш кўрдум. Туш кўрарманким, ҳазрати Хожа Убайдулло келмишлар, мен истиқболларига чиқмишмен, Хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг олдиға ғолибо бетакаллуфроқ дасторхон солмишлар. Бу жиҳаттин ҳазрат хотириға нима келмиш. Мулло Бобо менинг сари боқиб ишорат қиладур. Мен ҳам имо билан дедимким, мендин эмастур. Дасторхон солғучи тақсир қилибтур. Хожа фаҳм қилиб бу узр масмуъ тушти. Кўптилар. Узата чиқтим. Ушбу уйнинг долонида ўнг қўлумдин ё сўл қўлумдин тутуб андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин кўпти. Туркий дедиларким: «Шайх маслаҳат берди». Ушул неча кунда-ўқ Самарқандни олдим»¹.

Агар «Рашаҳот» рисоласида келтирилган маълумотлар асосида фикр юритадиган бўлсак, унда Абу Саид эришган муваффақиятларнинг бошланишида Хўжа Аҳрорга намоён бўлган башоратли туш билан мужда берилган эди. Натижада у Самарқандда темурийлар тахти учун бўлган курашда ғолиб чиқди. Ас-Сафий темурийзодалар Абдуллоҳ ва Абу Саид ўртасидаги жангни тасвирловчи бир неча ҳикояларни келтирган.

Ас-Сафий бир ҳикоясида баён қилишича, асҳоблардан айримлари Эшоннинг Абу Саидга душман қўшини орқасида қарғалар ғаласи кўринмагунча ҳужум бошламасликни таъинлаганини ҳикоя қилади. Икки қўшин рўпара келган вақтда Абдуллоҳ аскарлари Абу Саид қўшинининг ўнг қанотига шикаст етказди. Улар энди чап қанотга ҳам зарба бермоқчи бўлган пайтда, Абу Саид аскарларининг орқасида қарғалар

¹ «Бабуринома»: Bābur, Zahīr ad-Dīn Muhammad. Bābur-nāma (Vagāyi) || Critical edition based on four chaghatay texts with introduction and notes by Eiji Mano. Kyoto, Syokado, Japan, 1995. 612+lix P. 83-б. Варақа. 123-бет; Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобуринома/ Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. Тошкент, 1989. 75-бет.(Бундан сўнг «Бобуринома».)

ғаласи пайдо бўлди. Хўжа Аҳрор билдирган нишонани кўрган Абу Саид жангчилари илҳомланиб кетадилар ва бир зарба билан душманини орқага улоқтириб ташлайдилар.

Сўнгра ас-Сафий шу жанг билан боғлиқ яна бир ҳикояни келтиради. Қўлэзма матнида кўрсатилишича, асар муаллифи бу ҳикояни мазкур жангда иштирок этган туркистонлик йирик қабилалардан бирининг улуғларидан бўлган Ҳасан Баҳодирнинг тилидан ёзиб олган. Ҳасан Баҳодир Султон Абу Саид ва Мирзо Абдуллоҳ қўшинлари Булунғур ёқасида учрашганлигини ҳикоя қилган. Абу Саиднинг лашкари ҳаммаси бўлиб етти мингга яқин эди, Самарқанд ҳукмдорининг қўшини эса кўп сонли бўлиб, бунинг устига, яхши қуролланган эди.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, томонлардан бирининг сон жиҳатдан анча ортиқ бўлган сиёсий рақиб қўшини устидан қозонилган ғалабасини тасвирлаб, ғолиб ҳукмдорларни улуғлаш сарой адиблари ўртасида кенг тарқалган усул бўлган. Мазкур вазиятда ғалаба албатта Хўжа Аҳрорнинг каромати деб талқин қилинган.

Ас-Сафийнинг ёзишича, Абу Саид жангнинг оқибатини ўйлаб жуда кўрққан ва ҳаяжонланган. Бирдан у Ҳасан Баҳодир томонга энгашиб, қўшиннинг олдидан бораётган Хўжа Аҳрор сиймосини кўраётганини айтади. Шунда Ҳасан «Ёғий қочди» деб қичқирган ва ўша заҳоти бу сўзларни Абу Саиднинг бошқа жангчилари ҳам қайтара бошлаганлар ҳамда бутун лашкар олға ташланган. Абдуллоҳнинг лашкари қочган, Абу Саид эса ўша куннинг ўзида Самарқанд дарвозаларига етиб бориб, шаҳарни қўлга киритган¹.

Албатта, ушбу воқеаларнинг мистик талқини кейинроқ юз берган. Хўжа Аҳрорнинг маълум мақсадларга қаратилган бошқа хатти-ҳаракатлари ҳам худди шу тарзда намоён бўла боради. XV асрнинг 60-йилларига келиб Хўжа Аҳрор энди машҳур шайх сифатида омма орасида кенг шуҳрат қозонган эди. Нақшбандия сулуки мафкурасининг тарафдорлари ва қўллаб-қувватловчилари энди нафақат шаҳар ва қишлоқлардаги ўтроқ аҳоли ичиди, балки чўлқувар-чорвадорлар орасида ҳам сон жиҳатдан ортиб борди.

Маълумки, исломнинг мистик ва сўфийлик асосидаги таълимоти кўчманчилар ўртасида аслида Хўжа Аҳрор фаолиятидан анча илгари тарқала бошлаган. Унгача кўплаб машҳур сўфийлар бу фаолият билан жиддий шуғулланганлар. Ас-

¹ Рашаҳот. 290-бет.

Сафий Муҳаммад Порсонинг ҳам шундай фаолият юритган ҳақида эслатиб ўтади¹.

Хўжа Аҳрор даврига келиб ислом миссионерлиги, гарчи бу атама исломга нисбатан мос бўлмаса-да, ўзининг энг юқори палласига кўтарилади. У асосан кўчманчилар ўртасида ислом мафкурасини тарқатишга алоҳида эътибор беради ва шу хислати билан жанговар кўчманчилар ўртасида катта мавқега эришади. Кўчманчи қабилалар орасидан Хўжа Аҳрор нақшбандия тариқатига аъзо бўлган кўплаб мурид-шогирдларни тарбиялайди. Улар кейинчалик ўзбеклар ичида исломни тарқатувчи кишилар бўлганлар ҳамда улар орасида Хўжа Аҳрор катта маънавий обрўга эга бўлган. Бу Эшонга ўзининг сиёсий мавқеини ўрнатишга катта имконият берган².

Хўжа Аҳрор икки темурийзода ўртасидаги жангда жисмоний шахс сифатида иштирок этмаган бўлса-да, Абдулхайроннинг Дашти Қипчоқлик кўчманчиларидан иборат бўлган Абу Саид кўшинига руҳий жиҳатдан таъсир ўтказишда ижобий рол ўйнагани табиий ҳол саналади. Хўжа Аҳрорнинг сиймоси Абу Саид тарафдорлари учун ўзига хос ғоявий байроқ, галаба рамзи бўлган: «Бирининг тарафида ҳар хил қаланғи-қасанғи», саргузашт ва ўлжа ишқибозларидан иборат кўшин тўпланган бўлиб, уларни фақат бир мақсад—талон-торож қилиш ҳамда бошқалар ҳисобига яшаш бирлаштириб турарди: бошқа бир лашкар тарафида маънавий куч, валийликнинг обрўси, жасоратга фотиҳа олиш жамланган бўлиб, бу ҳол Абу Саид кўшинини юксак ғоя билан илҳомлантириши ва унинг жангчиларига дин учун курашувчи розийлар хусусиятини бериши керак эди»³.

Абу Саид Самарқандни фатҳ этгандан сўнг, Хўжа Аҳрорни шу шаҳарга кўчиб ўтишга таклиф қилади. Эшон шаҳардан унча узоқ бўлмаган Хўжа Кафшир деган жойга келиб жойлашади. Мазкур мавзе кейинчалик (XV аср охиридан XIX аср ўрталаригача) Хўжа Аҳрор номи билан машҳур бўлди.

Хўжа Аҳрорнинг кейинги сиёсий фаолиятидаги муҳим босқич сифатида 1454 йилда ташкил этилган Самарқанд мудофаасини келтириш мумкин. Ушбу воқеалар хусусида ас-Сафий муҳим маълумотларни баён қилади: «Мирзо Бобур

ибн Мирзо Бойсунғур ибн Мирзо Шоҳрух юз минг кишилик кўшин билан Хуросондан Самарқандга йўл олади. Шунда Мирзо Султон Абу Саид Эшон ҳузурига келиб, ушбу кўшинга зарба бериш учун имкони чамали эканлигини айтади. Хўжа Аҳрор унга таскин беради ва умидсизликка тушмасликни тайинлайди. Аммо Мирзо Бобур Аму сувини кечиб ўтганидан сўнг, ишончли хос амирлари Мирзо Султон Абу Саидни Туркистонга кетиш ва ўша ерда мустақамланиб олиш керак деб ишонтирадилар»¹.

Эшон бу воқеадан хабар топиб, Мирзо ҳузурига йўл олади. Бу вақтда туялар йўлга чиқишга тайёр турган эди. «Ҳеч қаерга боришнинг ҳожати йўқ,— дейди у Мирзога,— вазифа шу ернинг ўзида удаланади. Мен сизнинг вазифангизни зиммамга олдим. Қайғурманг ва хотиржам бўлинг. Мирзо Бобурни тор-мор қилиш менинг ишим».

Амирлар шу даражада кўрқиб кетишадикки, «Ҳазрати Эшон ҳаммамизни ҳалок қилмоқчи шекилли» деб шовқин-сурон соладилар. Мирзо эса Эшонга чин дилдан ишонгани сабабли ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмайди ва шу ерда қолади.

«Бобурнинг амирлари, — деб давом этади «Рашаҳот» муаллифи, — Мирзо Султон Абу Саид жанг қилиш учун етарли кучга эга эмас ва у мамлакатни ташлаб чиқиб кетади, деб ўйлаган эдилар». Лекин Мирзо Абу Саид қалъа мудофасига тайёргарлик кўра бошлайди.

Мирзо Бобур ўз кўшини билан Самарқанд деворлари атрофига етиб келади. Унинг амираи Халил Ҳинднинг энг сара навкарлари Самарқанднинг *Ийдгоҳ* дарвозаси (тадбирлар ўтказиладиган майдон) яқинида турган пайтда шаҳардан кам сонли кўшин чиқади ва икки ўртада жанг бошланиб кетади. Жанг авж паллага чиққан вақтда Халил асирга тушиб қолади. Бобур Мирзо навкарлари орасида саросима бошланади, чунки Халил Ҳинднинг йигитларидек кўшинда яхшироқ қуролланган одамлар кам эди. Натижада Мирзо Бобур Самарқанднинг эскириб қолган девори яқинидаги Ҳисори Қадим дарвозаси олдида жойлашишга мажбур бўлади. Кўшин ичида парокандалик бошланади ва аскарлар озиқ-овқат топиш ё бўлмасам талон-торож қилиш мақсадида ҳар томонга тарқаб кета бошлайдилар. Аччиқланган Самарқанд аҳолиси Мирзо Бобурнинг кўп навкарларини тутиб олар ва аксариятнинг қулоқ-бурунларини кесиб ташларди.

¹ Рашаҳот. 61-бет.

² Ж.С. Тримингэм. Суфийские ордены в исламе. 84-бет. Яна қаранг: Algar H. The Nagshbandi order. P.137.

³ В. Л. Вяткин. Из биографии Ходжи Ахрара, 693-бет.

¹ Рашаҳот. 290—291-бетлар.

Боз устига Мирзо Бобур қўшинидаги отлар ўлатдан қирила бошлайди. Навкарлар ҳар томонга тарқалаётган қўланса ҳидга чидай олмай йиқилиб тушар ва ҳушларидан кетар эдилар¹. Буларнинг ҳаммаси, албатта, Хўжа Аҳрорнинг қаромати деб ҳисобланади. Охир-оқибат Мирзо Бобур Хўжа Аҳрор ҳузурига Мавлоно Муҳаммад Маъмонийни музокара учун юборишга мажбур бўлди. Ас-Сафий Шохрухнинг набираси те-мурий Абдулқосим Бобурнинг Самарқандни қўлга киритиш учун қилган муваффақиятсиз уринишини ана шундай ифо-лалайди².

Мовароуннаҳрда 1454 йилдаги воқеалар шарҳи ва унда Хўжа Аҳрорнинг тутган ўрнига бағишланган ҳикоялар бош-қа бир ҳатор ўрта аср манбаларида ҳам акс эттирилган. Бу тўғрида ҳозирги замон муаллифларидан бири Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асаридан ҳамда XV аср ўрталарига оид Ўрта Осиёдаги тарихий манбаларнинг энг муфассал ва ишончлиси ҳисобланган Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матла ас-саъдайн» асаридан олинган маълумотларни келтиради³.

Абдураззоқ Самарқандий шаҳар аҳолисининг барча қат-ламларининг шаҳарни ҳимоя қилиш йўлида юқори кўта-ринкилик билан кўрсатган қатъиятини қуйидагича тасвир-лайди: «Бутун аҳоли — аъёну ақобирлар, хунарманд ва дўкон хизматчилари, маҳаллаларнинг арбоб ва калонтарлари, ат-роф ва бўлуқларнинг раиятлари шовқин-сурон кўтардилар ва мадад сўраб ҳазрати Хўжа Аҳрорга мурожаат қилдилар. Раият бирдамлик билан қалъа мудофаасида туришини, ша-ҳарни олти ой ва агар зарурат бўлса бир йил давомида ҳимоя қила олиши мумкинлигини Шайхга билдиради. Жаноб Хўжа уларга тасаннолар айтади ва Яратганининг марҳаматидан умид сўраб, шаҳар қалъасини мустаҳкамлашни буюради»⁴.

Манбаларга кўра, аҳолининг барча қатламига мансуб турли табақа вакиллари яқдиллик билан Хўжа Аҳрорни ўзларига йўлбошчи сифатида сайлаганларини эълон қиладилар. Шуб-ҳасиз, фуқаро унинг сиймосида жамиятдаги турли қатлам-ларни бирлаштира оладиган шахс — интеграторни ҳамда душ-манга талафот етказишда ҳақиқий йўлбошчини кўрганлар.

Тарихий манбаларда келтирилган кўнлаб асосли маълумотлар албатта тадқиқотчи диққатини ўзига жалб қилмас-дан қолмайди. Ўрта аср Мовароуннаҳрда жамиятдаги аҳоли-

нинг барча қатламлари энг оғир лаҳзаларда Хўжа Аҳрорга эҳтиёж сезганлиги ва уни ўзларига маънавий раҳбар сифа-тида тан олиши ҳақиқатан ҳам уни юксак йўлбошчилик сифатларига эга бўлганлигидан далилат беради.

Кўпгина манбалар шу нарсани кўрсатадики, ўрта аср жамиятининг юқори доирадаги кишилари аҳолининг барча қатламлари урушларда иштирок этиши шарт эмас деб ҳисоб-лаганлар, унга бошқариб бўлмайдиган оқим сифатида қара-ганлар ва табиий равишда унинг кучидан кўрққанлар. Хўжа Аҳрорнинг мудофаага бошчилик қилишга розилик бериши унга ишонган ва эътиқод қўйган, унинг сиймосида ўша даврдаги жамиятнинг турли-туман қатламларини бирлаш-тирувчи шахсни кўрган кишиларга руҳий мадад ва куч-қув-ват бўлиши, аслида, Хўжа Аҳрорнинг бевосита хизмати эмас-ми? Фикримизча, ҳақиқатда айнан шундай бўлган.

Ўз фаолияти мобайнида Хўжа Аҳрор кўп маротаба душ-ман томонларни яраштириб қўювчи арбоб вазифасини ба-жарган. Эшон ваъзларида ўзининг ушбу ваколатини тез-тез таъкидлаб ўтарди. Унинг тинчликпарвар зот сифатида шуҳ-рат топишини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин.

Абу Саид даврида Эшон фаолиятининг бу хусусияти 60-йиллардаги тўполонлар ва Абдуллатифнинг ўғли Муҳаммад Жўқининг Марказий ҳукмдорга қарши исён кўтариши вақ-тида яққол намоён бўлди. 60-йилларнинг воқеалари умумий талон-тарож, зўравонлик ва тинч аҳолининг хонавайрон қилиниши билан қўшилиб кетди. Хўжа Аҳрор зиддиятлар оловиши тинч йўл ва панд-насиҳатлар ёрдамида ўчиришга ҳаракат қиларди. Шубҳасиз, у бунга ҳамма вақт ҳам муваф-фақ бўлавермаган.

Масалан, ўз лашкари билан Бухоро ва Самарқанд атроф-ларига чопқин уюштирган Амир Нур Саид билан шундай воқеа бўлиб ўтган эди¹. Аммо Муҳаммад Жўқи кўтарган исён Абу Саид томонидан Хўжа Аҳрорнинг дипломатик ваколати ёрдамида тинч йўл билан бостирилди². Бундан мамлакатнинг бутун аҳолиси миннатдор бўлади. Айниқса, мазкур тинчлик битимидан майда ҳукмдорларнинг ўзаро низолари туфайли юз берадиган зўравонлик ва талон-тарожлардан биринчи нав-батда жабр кўрадиган кўп сонли ўрта қатлам катта манфаат топади.

Мамлакат учун оғир кечган айни дамларда Абу Саид Хўжа Аҳрорнинг илтимосига биноан Самарқанд ва Бухоро учун

¹ Рашаҳот, 291-бет.

² Рашаҳот, 291-бет.

³ О.Д.Чехович. Оборона Самарқанда в 1454 г.// Известия АН УзССР. СОН. 1960, №4. 36—44-бетлар.

⁴ О.Д.Чехович. Оборона Самарқанда в 1454 г., 37-бет.

¹ В.В. Бартольд. Улугбек и его время. 171-бет.

² Б.А. Ахмедов. Государство кочевых узбеков. 140—141-бетлар.

тамға солиғини бекор қилади, чунки бу шаҳарлар ўзаро урушлардан катта зарар кўрган бўлиши билан бирга, аҳоли ушбу солиқ туридан кўп жабр ҳам тортмоқда эди¹. Аксарият талқиқотчилар бундай қарорга нисбатан ўз муносабатларини билдирар эканлар, қуйидагиларни таъкидлайдилар: «...даромад келтирадиган солиқнинг бу турини йўқ қилиш давлат манфаатлари нуқтан назаридан зарарлидир ва у хазинага катта зиён етказад»².

Аmmo бу фикр аҳолининг иқтисодий жиҳатдан ҳолдан тойган қатламларининг манфаатларини ҳисобга оладими? Чунки мазкур солиқ улар учун иқтисодиёт, савдо ва ҳунармандчиликка тўсқинлик қилувчи омил эди. Хўжа Аҳрорнинг тамгани бекор қилиш ҳақидаги илтимоси мағбаларда кўрсатиб ўтилган экан, мазкур қарор амалга оширилган пайтдаги тарихий ва иқтисодий вазиятни ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади. Бу ўринда улуғ халқпарвар мутафаккир Алишер Навоий ҳам ўз даврида бир неча маротаба тамға солиғини бекор қилиш масаласини кўтарганлигини мисол тариқасида келтириш мумкин.

1458 йилда Самарқанддаги исён ва тўполонлар вақтида Хўжа Аҳрор айтган ва Мир Абдулаввал Нишопурий томонидан ёзиб олинган куйидаги мисраларни келтирамиз: «Шаҳарликлар (*мардуми шаҳр*) билан ҳукмдорлар ўртасида жабр ва зулми тўхта олишга қурбн етадиган одам туриши керак... Халқ чорасиз аҳволда ва у айрим аёнлар олдида ожиздир. Подшоҳларни Худо амрига итоат этиб, халқни қийнамаслик лозимлигига ишонтирмоқ керак, акс ҳолда давлатга заволят етади»³.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий қатламларга ажрალიши, давлат ичида тарқоқлик ва ўзаро низоларнинг кучайиши даврида халқ оммасининг қашшоқлашуви ягона ахлоқий-ғоявий тизимга асосланган маънавий бирлашувга эҳтиёжни кучайтиради. Ўрта аср жамиятида бундай куч вазифасини фақат диний мафкура бажара олар эди. Шундай қилиб, XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда Хўжа Аҳрор фаолияти жамиятнинг турли кучлари ўртасидаги мураккаб ўза-

ро муносабатларни муайян даражада барқарорлаштирувчи омил вазифасини бажарган. Эшоннинг фаолияти жамиятдаги маънавий ва иқтисодий мутасоибликни таъминлашга йўналтирилган эди.

Абу Саид вафотидан сўнг ҳам жамиятда Хўжа Аҳрорнинг таъсир кучи сусаймайди. Биз «Рашаҳот»дан 1469 йилдаги муваффақиятсиз юришдан сўнг юз берган воқеаларни тасвирловчи ҳикояни келтирмоқчимиз.

Абу Саиднинг ўлими тўғрисидаги хабар аввалига Самарқандда Эшонга бўлган муносабатни кескин ўзгартириб юборди. Али ас-Сафийнинг гувоҳлик беришича, Хўжа Аҳрорнинг эски рақиби Шайхулислом Бурҳониддин бошлиқ баъзи амирлар бундан буён Хўжа Аҳрорнинг уйига бормаслик ва унинг ваъзларига амал қилмаслик ҳақида келишиб олдилар. Эшон бу вақтда Мотуридда эди. Шайхулислом Бурҳониддин ғалаба нашидасини суриш мақсадида унинг олдида келади. У уйига келган меҳмонни ҳам ўзи билан бирга боришга таклиф қилади ва унга: «Мен бу қишлоқни Шайхни қай аҳволга солишимни кўрасиз»,— дейди.

Мотуридда Хўжа Аҳрор меҳмонларни кутиб олади ва Шайхулисломга шахсан ўз қўли билан ноз-неъматлар келтиради. Тановул вақтида тўсатдан Эшон ҳузурига Абу Саиднинг ўғли Султон Аҳмад ўз амирлари билан ташриф буюрганлиги тўғрисида хабар келади. Шайхулислом ўзининг Эшон ҳузурини эканлигини амирлар кўргач, ўртадаги келишувнинг бузилиши деб тушунишларидан кўрқиб кетади. Эшон Султон Аҳмадни кутиб олиш учун ташқарига чиққанида Шайхулислом яширинишга жой излаб қолади. Хуллас, Султон Аҳмаднинг таширидан сўнг Эшон ҳузурига Мирзо ва амирлар Абу Саид ҳукмронлиги давридагидан ҳам кўпроқ ташриф буюрадиган бўлдилар. Шайхулислом эса ўзининг мавқеини бутунлай йўқотиб бўлган эди, деб сўзини якунлайди ас-Сафий⁴.

Самарқанд тахтининг вориси Абу Саиднинг катта ўғли Мирзо Султон Аҳмад билан Хўжа Аҳрор ўртасидаги муносабатлар жуда қалин бўлган. Эшон ўз вақтида Султон Аҳмаднинг тарбияси билан шуғулланган бўлиб, унинг маънавий отаси саналарди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур улар ўртасидаги ўзаро муносабатдан келиб чиқиб, темурийзодани шундай тасвирлайди:

⁴Ас-Сафий, Фахриддин Али Кошифий. Рашаҳот айн ул-ҳаёт. Литография. Тошкент, 1911, 323 ва кейинги бетлар.

¹ В. В. Бартольд. Улугбек и его время. 171-бет.

² Р. Н. Набиев. Из истории политико-экономической жизни Мавараннахра XV в. (Заметки о Ходже Ахраре) // Великий узбекский поэт. Сборник статей. Ташкент, 1948, 38—39-бетлар.

³ Мир Абдулаввал Нишопурий. Масмуот, Ўз ФА ШИ кўлёзмаси. Инв. №3735/ II. 131-варақа.

«Ахлоқ ва атвори: ҳанафий мазҳаблик, покиза эътиқод киши эрди, беш вақт намозини бетарк ўтар эди. Шурб маҳалларида ҳам намози тарк бўлмас эди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоға иродати бор эди. Ҳазрати Хожа мураббий ва муқаввий эдилар. Бисёр муаддаб бор эди. Алалхусус, Хожа суҳбатида, дерларким, ҳаргиз Хожа мажлисида тизи бир бир тизига ёвуткаган эмастур. Бир навбат ҳазрати Хожа суҳбатида бар хилофи одат оёғини ёвуткаб ўлтурубтур. Мирза кўпқондин сўнг ҳазрати Хожа буюрубтурларким, мирзо ўлтургон ерни боққайлар: бир сўнгак бор экандур»¹.

Султон Аҳмад даврида Хўжа Аҳрор жўшқин сиёсий фаолият билан шуғулланишда давом этади. Айниқса, 1470 йили Хўжа Аҳрор томонидан Самарқанд мудофаасининг ташкил этилиши диққатга сазовордир. Султон Аҳмад вақтида Самарқанд мудофааси билан боғлиқ воқеаларнинг бориши илмий адабиётларда кенг ёритиб берилган². «Рашаҳот»да мазкур воқеалар қуйидагича талқин этилади:

Самарқандга Султон Маҳмуд Мирзонинг туғишган акаси Султон Аҳмад қарши юриш қилаётгани ҳақида хабар келади. Хўжа Аҳрор Султон Маҳмудга мактуб ёзиб, Самарқандга қилинаётган юришни тўхтатишни илтимос қилади. Султон Маҳмуд илтимосномага қулоқ солмайди ва жанг сафарига тадорик кўради³. У катта қўшин тўплаб, сон-саноксиз лашкар билан йўлга чиққан ва ўз қўшинига чиғатой аскарларидан ташқари тўрт мингга яқин туркманни ҳам жалб қилган эди.

Султон Маҳмуд Самарқандга яқинлашиб қолганда кўрқиб кетган Султон Аҳмад қаршилик кўрсатишга журъат этолмай қочмоқчи бўлади. У тушкун бир аҳволда шаҳар мадрасасида фаолият олиб бораётган Эшон хузурига келади. Хўжа Аҳрор бундан қаттиқ ташвишга тушиб у, яъни Султон Аҳмад агарда қочиб кетса, Самарқанднинг бутун бойлиги аҳолиси билан душман қўлида қолиб кетишини айтади. Эшон Мирзодан таваккал қилишни сўрайди ва уни Самарқанд мадрасаси

¹ «Бабур-наме»: Babur Zahir ad-Din Muhammad. Baburnama (Vaqa'yi)|Critical edition... by Eiji Mano. 18-б. Варақа, 27-бет; Бобурнома, 19-бет.

² С.А. Азимджанова. К истории Ферганы второй половины XV в. Ташкент, 1957, 10—11-бетлар. 1454 йилда бўлиб ўтган ва О.Д.Чеховичнинг мазкур тадқиқотига асос бўлган воқеадан фарқли ўлароқ, 1470 йилдаги Самарқанд мудофааси тадқиқот ишларида лозим даражада баҳоланмаган.

³ Рашаҳот. 293-бет.

сининг бир хужрасига олиб боради. Бу мадраса шаҳарнинг бошқа томонида жойлашган бўлиб, унда фақатгина бир эшик мавжуд эди. Эшон остонага ўтириб айтади: «Мана шу хужра эшигининг орқа томонида эгар-жабдуқ урилган тез юрар туя тайёр қилиб қўйилади. Магарки Султон Маҳмуд галаба қозонса ва унга шаҳар дарвозасидан кириш насиб этса, унда сиз мана шу туяга мингашиб ўзингизнинг хос навкарларингиз билан Самарқанддан кетасиз».

«Рашаҳот» муаллифининг маълумотларига кўра, Султон Аҳмад бу шартга кўнган. Бу вақтда Эшоннинг ўзи шаҳар мудофааси билан шуғулланади. У ўз хузурига Мавлоно Сайид Хусайн, Мавлоно Қосим Мир Абдулаввал, Мавлоно Жаъфар сингари энг сара биродарларини чақиради ва уларни шаҳар дарвозаларининг минорасига кўриқчилик қилиш учун юборди. Султон Маҳмуд билан биринчи тўқнашув, воқеага гувоҳ кишиларнинг сўзларига қараганда, Пули равон деган жойда бўлган.

Жангнинг энг мушкул дамлари бошланганда Дашти Қипчоқ томондан кучли ва шиддатли шамол кўтарилади. Шамол Султон Маҳмуд Мирзо қўшини томон эсиб, унинг навкарларини чанг-тўзонга кўмиб ташлайди. Дабдурустдан бўлган бу ҳолат лашкарнинг жанг қилишига халақит беради ва навкарларнинг кўзларини очирмай кўяди. Талвасада қолган Султон Маҳмуд аскарлари қочишга мажбур бўладилар¹.

Самарқанд аҳолиси ва Султон Аҳмад навкарлари чекинаётган душмanning орқасидан таъқиб қилиб беш фарсанг масофага қувиб боради ва лашкарга қаттиқ талафот етказиб, кўп ўлжалар билан шаҳарга қайтиб келади. Султон Маҳмуд қўшинлари тор-мор келтирилгач, Хўжа Аҳрор хушхабарни маълум қилиш учун Султон Аҳмад Мирзо ўтирган мадраса хужрасига йўл олади ва уни салтанат тахтига кузатиб кўяди. Эшоннинг ўзи эса Хўжа Кафшир маҳалласидаги масканига қайтиб боради².

Хўжа Аҳрорнинг сиёсий фаолиятини баён қилар эканмиз, ундаги энг асосий сифатни унутмаслик лозим бўлади. Эшон йирик ва фаол сиёсатчи, мулкдор бўлишига қарамай ўзини сўфий деб ҳисоблаган. Атрофдагилар учун Хўжа Аҳрор энг аввало шайх, яъни тасаввуф тарғиботчиси эди. У ўз атрофига муридларини тўплаб, муроқабани, зикр тушишни давом эттирар дунё лаззатларига берилмаслик, меҳнатни севиш, инсонларга нисбатан меҳр-оқибатли бўлиш, биродар-

¹ Рашаҳот. 294-бет.

² Рашаҳот. 295-бет.

лик ва тинчликсеварликни тарғиб қилишда давом этарди. Тазкира муаллифларининг маълумотларига кўра, Хўжа аввалгидек хилватда ўтириб мушоҳадага берилар, олам ва Илоҳ ҳақида ўй юритар ва пировардида ушбу илоҳий манбадан нафақат руҳий, балки жисмоний лаззатланар эди. Айни пайтда у аҳолининг катта қисмини ўз томонига жалб этиш ва уларнинг қўллаб-қувватлашларидан маҳрум бўлиб қолмасликка ҳам интилиб яшарди.

Эшон ўз фаолияти мобайнида нафақат сиёсатчи, балки йирик норасмий давлат арбоби сифатида ҳам шуҳрат қозонди. У Мовароуннаҳр ҳудудидан ташқари атроф минтақалардаги сиёсий воқеаларга ҳам ўз таъсирини ўтказа оларди: нақшбандия мафкураси эса унга ана шундай фаолият кўрсата олиши учун назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилган. Хўжа Аҳрор фаолиятидан анча илгари ишлаб чиқилган ва унинг томонидан тарғиб этилаётган ғоялар бу вақтга келиб аниқ, тугалланган мантиқий якун топиб улгурган эди. Мана Эшоннинг амалиётга татбиқ этмоқчи бўлган асосий назарий ғояларидан бири: сўфий фақат ўзини халос этмайди, балки у дунёни ҳам қутқаради; лунёни қутқариш учун сўфий унинг устидан ҳукмронлик қилиши лозим бўлади; дунё устидан ҳукмронлик қилиш учун у билан фаол муносабатда бўлиш керак ва ҳ.к.з.

«Рашаҳот»да Эшоннинг қуйидаги сўзлари келтирилади: «Агар биз шайхлик қилганимизда биронта шайх ўзига мурид тополмаган бўлур эди, аммо бизнинг ниятимиз бошқа, бу—мусулмонларни золимларнинг зулмидан ҳимоя қилиш. Мана шу ниятга эришиш учун биз подшоҳлар билан мулоқот қилишимиз, уларнинг қалбини забт этишимиз ва шу тарзда ислом аҳкомларини бажо келтиришимиз керак»¹.

Хўжа Аҳрорнинг тинчликпарвар сиёсатига далил сифатида Шоҳрухияда кечган воқеани мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу ерда Эшоннинг қатъий ҳаракати ва фаол аралашуви билан уч ҳукмдор—самарқандлик Султон Аҳмад, фарғоналик Умар Шайх ва тошкентлик Султон Маҳмудлар яраштириб қўйилади. «Мамлакат фаровонлиги учун қаерда тинчлик ва осойишталикка зарурат сезилса, Хўжа шу ерда ҳозир нозир бўларди»².

Хўжа Аҳрорнинг юқорида баён қилинган сўзлари «Рашаҳот»даги муаллифнинг Шоҳрухия воқеаларини тасвир-

лашга бағишланган алоҳида бир бобнинг бошланиш қисмидир. Уларни баён қилишда давом этамиз. «Рашаҳот»даги маълумотлар «Силсилат ул-орифин» асарининг муаллифи Мавлоно Муҳаммад Қозига таяниб келтирилади: Самарқандга Султон Аҳмад билан уришмоқ ниятида Мирзо Умаршайх Тошкентдан Султон Маҳмудни ёрдамга чақиргани ва жангга ҳозирланаётгани ҳақидаги хабар етиб келади. Иттифоқчилар Шоҳрухияда учрашишга қарор қиладилар. Султон Аҳмад ҳам катта қўшин тўплаб дарҳол жанггоҳга жўнайди. Уни Хўжа Аҳрор ўз муридлари билан кузатиб боради. Эшон аввал-бошданоқ сулҳ тузиш фикрида қатъий туради, аммо рақиблар бунга ҳаёлларига ҳам келтирмасдилар.

Хўжа Аҳрор 40 кун давомида Мирзо Султон Аҳмаднинг ўрдасида қолиб кетади. Ниҳоят, унинг сабр қосаси тўлиб Мирзога шундай дейди: «Агар жанг қилмоқчи экансиз, унда мени нега олиб келдингиз, мен ахир жангчи эмасман! Агар ярашмоқчи экансиз, унда нега сусткашлик қиласиз? Менинг сизнинг ўрдангизда қолишга ҳеч қандай хоҳишим йўқ»¹. Қатъиятсиз Султон Аҳмад Эшон нимани лозим топса шунга рози эканлигини айтиди. Хўжа Аҳрор ўз сўзларининг таъсиридан фойдаланиб, навбатдаги ишни амалга оширади. У Султон Аҳмад ўрдасидан Умаршайх ва Султон Маҳмуднинг қароргоҳи томон йўл олади.

Қўлэзмада ўта эҳтиёткорона сиёсат ва нозик дипломатик тадбирлар баёнига икки саҳифа ажратилган². Хўжа Аҳрор уч ҳукмдорни бир ерга жамлайди ва шоҳона гилам устида тинчлик музокараларини бошлаб юборади. Шоҳрухия яқинидаги тўқнашувда сулҳга эришиш Шайх учун қанчалик оғир кечганлиги ёзма манбаларда аниқ тасвирлаб берилди.

Ас-Сафий Эшон асҳобларидан бирининг ҳикоясини келтиради: «Эшон уч подшоҳни бир чодирга тўплаганидан сўнг, бу асҳоб Эшон ўз кўзи олдида гавдаланган манзарани қуйидагича тасвирлайди: «Гўё катта бир майдонда учта қутурган туя бир-бирига ташланиш ва рақибини ғажиб ташлаш учун ҳаракат қилаётгандек. Шу майдонда турган Эшон эса ғазабдан қутурган бу уч туянинг жиловини қўллари билан маҳкам ушлаб турган ҳолда, уларни бир-бирлари билан урушгани қўймай ажратаётган эмиш»³.

«Тарихи Рашидий»нинг муаллифи Мирзо Муҳаммад Ҳаидар Эшоннинг тинчликсевар сиёсатини маъқуллаб, уч ҳукм-

¹ Рашаҳот. 295-бет.

² В.Л.Вяткин. Из биографии Ходжи Ахрара, 693-бет.

¹ Рашаҳот. 296-бет.

² Рашаҳот. 296—298-бетлар.

³ Рашаҳот. 298-бет.

дорнинг ярашувини шундай тасвирлайди: «Ҳазрат Эшон келиб Мирзо Аҳмад ўрдасида тўхтади ҳамда Хон ва Умаршайх Мирзога киши юборди. Худо марҳамат қилган зот бўлмиш Эшоннинг сулҳ ҳақидаги таклифини ҳеч ким рад эта олмади. Чунки валийлар фано мақомига етгач, уларни ўзидаги «Мен»лик тарк этади ва улардан келаётган барча ҳикматлар Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг иродаси билан амалга ошади. Хулласи калом, Шайх ўз мақсади йўлида лашкар етаклаган уч ҳукмдорни яраштиришга муваффақ бўлди»¹.

Хўжа Аҳрор урушларга қарши эди. Темурий Султон Аҳмаднинг ҳукмронлиги даврида Эшондаги бу хусусият қатъий одат касб этади. Эҳтимол бу ҳолат 1468—1469 йиллар Абу Саиднинг фалокатли ҳарбий юриши билан боғлиқ бўлса ажаб эмас. Негаки, мазкур юриш темурийзода ҳукмдор учун ҳалокат билан тугайди. «Тарихи Рашидий»нинг муаллифи Султон Аҳмад Мирзонинг 1487 йилда Тошкентга қарши 15 минг кишилиқ қўшини билан юриш қилганлиги ҳақида маълумот беради. Темурийзоданинг бу хатти-ҳаракатига Хўжа Аҳрор қатъиян қарши туради, аммо Султон Аҳмад бу сафар унинг маслаҳатига қулоқ солмайди. Оқибатда у Чир дарёси бўйида мағлубиятга учраб, Самарқандга қараб қочишга мажбур бўлади.

Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг гувоҳлик беришича: «Енгилган Мирзо Самарқандга қочди. У Ҳазрат Эшон Убайдуллоҳ Аҳрордан кўп узрлар сўради ва Ҳазрат Эшон яна марҳамат кўрсатдилар. Хон ва Султон Аҳмад Мирзо ўртасида янгитдан сулҳ тузилди»².

Бу ўринда яна куйидагиларни таъкидлаб ўтиш жоиз: «Хўжа Аҳрорнинг давлат арбоби сифатидаги хизмати шунда намоён бўладики, у бир неча йил мобайнида Амударёнинг бериги қирғоғидаги вилоятларнинг ҳукмдорлари ўртасида катта таъсирга эга бўлганлигидан фойдаланиб, ўзининг барча кучини темурийзода шахзодалар ўртасидаги низо ва қир-

¹ Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Тарих-и Рашиди /Введ., пер. с персид. А.Урунбаева, Р.П.Джалиловой, Л.М.Епифановой. Примеч. и указат. Р.П.Джалиловой и Л.М.Епифановой. Отв. ред. д.и.н. А.Урунбасв. Ташкент: Из-во «ФАН», АН РУз, 1996. [Кириш, форс тилидан таржима А.Ўринбоев, Р.П.Жалилова, Л.М.Епифановаларники. Изоҳ ва кўрсаткичлар Р.П.Жалилова ва Л.М.Епифановалар томонидан тузилган. Масъул муҳ. т.ф.д. А.Ўринбоев. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1996]. 63а-варақа. (Кейинги ўринларда «Тарихи Рашидий»).

² Тарихи Рашидий. 65а-варақа.

гинбарот урушларни бартараф қилишга сарфлайди. Темурийзодаларнинг арзимаган сабаб ва аразлашлар туфайли биродаркушлик урушини алангалатиб юборишга тайёр туришлари доим уни ташвишлантириб турарди. У Самарқанд, Тошкент ва Фарғонадаги қайсидир ҳолатда маҳаллий меъёрлардан келиб чиқиб осойишталикнинг таъминланишига кўп саъй-ҳаракат қилади»¹.

Бошқа кўплаб далиллар ҳам шунга ўхшаш мулоҳазаларга олиб келади. Масалан, Хўжа Аҳрорнинг замондошлари ҳам юқорида номлари зикр этилган уч ҳукмдорнинг ярашувида унинг катта хизмати бор эканлигини эътироф этганлар. Мавлоно Муҳаммад Қози Шайхнинг саъй-ҳаракатидан бутун халқ хурсанд бўлганлигини таъкидлар экан, шундай дейди: «Агар уч подшоҳ бир-бири билан жанг қилганида эди, бу урушда юз минг киши ҳалок бўлур эди»². Ҳатто бу рақам ошириб кўрсатилган бўлиши мумкинлигини ҳисобга олганда ҳам, бари бир Шайхнинг уч ҳукмдор томонидан қилинган ҳарбий юришларнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб ўтмасдан бўлмайди.

Бошқа бир мисол сифатида биз Хўжа Аҳрорга ихлос билан қараган Заҳириддин Бобурнинг Самарқанд тахтига Султон Аҳмаддан сўнг ўтирган Султон Маҳмуд ҳукмдорлиги ҳақида ёзган сўзларини келтиришни истар эдик: «Самарқанд аҳликим, йиғирма-йиғирма беш йил Султон Аҳмад Мирзонинг замонида рафоҳият ва фароғат била ўтқариб эдилар. Аксар муомила ҳазрати Хожа жиҳатидан олд ва шаръ тарихи била эди. Бу навъ зулм ва фисқдин бажонудил озурда ва рағжида бўлдилар. Вазиф ва шариф, фақир ва мискин нафрин ва дуойи бадиға офиз очиб, қўл кўтардилар»³.

Ўз даврининг машҳур арбоби бўлиш, ўзига зиён-заҳмат етказмасдан мураккаб сиёсий воқеаларнинг марказида туриш ва мана шу нотинч замонларда қарийб 90 ёш умр кўриш, кўпгина замондош рақиблар Шайхни ўзларига дўст деб билмасалар ҳам ҳар ҳолда унга «қонга ташна бўлган душман» сифатида қарамаганликларининг аломати эмасми? Эҳтимол, олий ҳукмдор учун Хўжа Аҳрорнинг тинчликпарвар сифатидаги шуҳрати унга ишончли, мустақкам ва таъсирчан қал-

¹ В.Л.Вяткин. Из биографии Ходжа Ахрара. 693-бет.

² Рашаҳот. 298-бет.

³ Babur Zahir ad-Din Muhammad. Babur-nama (Vaqa'iy)||Critical edition ... by Eiji Mano. 24а-варақа. 35-бет.; Бобурнома, 24-бет.

қон бўлиб хизмат қилгандир. Балки у Эшоннинг обрўси ва оташин ваъзларидан тинч ва осуда ҳаётга ўрганган кишиларга ўз таъсирини ўтказишда фойдалангандир.

Сиёсий фитна ва маккорликлар авжига чиққан маҳалда Эшон рақибларини танг қолдирувчи энг ишончли восита — тинчликпарварликдан фойдаланарди. Натижада душманлари унинг олдида руҳан ожизланиб борардилар. Мана шу даъват Хўжа Аҳрорнинг бутун фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам у мазкур ғояга ўз ҳаётида қатъий амал қилиб яшаган. Бу даъват унинг фуқаро ўртасида обрў-эътиборини оширар, мавқеини янада мустаҳкамлаб борарди. Халқ ҳар доим кучли марказлашган давлат тарафдори бўлган, чўзилиб кетган урушлар вақтида эса ҳукмдорларнинг ўзлари ҳам шуни истар эдилар. Баён этилган воқеаларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин: ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро урушлар нафақат мамлакат аҳолисининг тинч қатламини, балки солиқ тўловчи аҳолининг асосий қисмини ҳам хонавайрон қиларди.

Уруш жамиятнинг ҳукмдор қатламларини бойлик ва ҳокимиятдан жудо бўлишга ҳам олиб келиш мумкин эди. Бундай вазиятда Хўжа Аҳрорнинг ўзи ҳам ўз мавқеини йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас эди, албатта. «Силсилат ул-орифин» муаллифи Эшоннинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Бизгача шайхлар амирлар ва подшоҳларга раиятнинг ишлари юзасидан мурожаат қилмаганлар. Биз буни қилмоғимиз лозим деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги исён ва тўполонлар даврида Аллоҳ мени мусулмонлар ҳимоячиси қилиб танлади»¹.

XV асрнинг иккинчи ярмидаги Мовароуннахрнинг сиёсий ҳаётида Хўжа Аҳрор ҳақиқатан ҳам улуг арбоб сифатида жой олди. Биз Шайхнинг ҳаёти ва фаолиятини текис ҳамда курашларсиз ўтди деб айтмоқчи эмасмиз. Бизнинг фикримизча, Эшоннинг сиёсий фаолиятига қарши норозиликлар оммавий тус олмаган. Хўжа Аҳрорнинг мухолифлари билан муносабати ҳақидаги воқеалар кейинги давр илмий адабиётларида онда-сонда учрайди². Лекин бундай воқеалар мавжудлигининг ўзи Хўжа Аҳрор ҳаётини янада муфассал тасвирлашда ижобий аҳамият касб этади. Мазкур манбаларда биз оқ кўнгил шайх ҳақидаги сеҳрли эртакни эмас, балки

¹ Силсилат ул-орифин. Ўз ФА ШИ қўлёзмаси. Инв. №4452/1. 74-варақа.

² Р.И.Набнев. Из истории политико-экономической жизни Мавераннахра XV в. 42—46-бетлар.

ўтмишнинг реал ва баъзан эса шафқатсиз воқеалари баён этилган маълумотларни қайта тасдиқлатиб оламиз.

Хўжа Аҳрор 1490 йили анча кексайиб қолган бир ёнда оламдан ўтди. Унинг подшоҳ шогирди Мирзо Султон Аҳмад ҳам Эшондан сўнг кўп яшамади. Шайхнинг ўлиmidан кейин Мовароуннахрдаги барқарорлик анча издан чиқди. Султон Аҳмад вафотидан сўнг эса (1494) ўзаро урушлар аҳоли турмуш тарзидаги тушкунликни янада кучайтириб юборди ва унинг баттарроқ қашшоқлашувига сабаб бўлди¹. Ҳокимият ва бойлик учун олиб борилган ички шафқатсиз урушлар теурийларнинг давлатчилик тузумини муттасил пароканда этиб борарди.

Бу ўринда А.Н.Болдиревнинг XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё ҳаётида Хўжа Аҳрорнинг роли хусусидаги хулосасига қўшилмасликнинг иложи йўқ: «Икки қирқ йиллик»ни, яъни Улуғбек ва «тож киймаган ҳукмдор» Хўжа Аҳрор даврларини қиёсласак, Хўжа Аҳрорнинг тарихга олиб кирган янгилиги яққол намоён бўлади: бу — тинчлик, мамлакатнинг юз минглаб оддий меҳнаткашлари учун жон куйдирилган осойишталик эди. У одамларга ортодоскал ислом бера олмаган, ҳар икки дунё умиди билан яшаш ғоясини сингдириб, маънавий таскин-тасалли бера олар эди»².

Хўжа Аҳрор ҳақиқатдан ҳам муайян даражада ўрта аср манбаларида қандай тасвирланган бўлса, шундай шахс бўлган, деган фикрга қўшилиш мумкин. Шайх ўз ваъзларида тарғиб қилаётган фикр ва ғояларга ҳақиқатдан ҳам ишонарди. У сўфийликнинг ўзи амал қилган нақшбандия сулукидаги назарий қарашларини амалий ҳаётга жорий қилишга ҳаракат қилди. Бу хулосалар Хўжа Аҳрорнинг тинчликпарвар сиёсатини, тадбиркорлик фаолиятини, унинг шахсидаги кўплаб очилмаган қирраларни янада кенгроқ ёритишда хизмат қилади деган умиддамиз ҳамда бу мулоҳазалар олим ва тадқиқотчилар ўртасида ҳали узоқ баҳс ва мунозараларга сабаб бўлишига аминмиз.

¹ С.А.Азимджанова. Черты социально-экономической жизни Ферганы на рубеже XV-XVI вв. 32-бет.

² Хўжа Аҳрорнинг тарихий роли ҳақида узоқ вақт фанда устувор бўлиб келган бир ёқлама қарашни қайта кўриб чиқиш мазкур мақоладан бошланади: Болдырев А.Н. Ешё раз к вопросу о Ходже-Ахраре// Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. Москва, 1985, 59-бет.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Элёр Эрикович Каримов 1964 йил 10 февралда зиёлилар оиласида дунёга келди. Отаси Эрик Каримов таниқли адабиётшунос олим, профессор. Онаси Клара Шарафутдинова тилшунос, доцент, машҳур олим, биринчи ўзбек навоийшуноси Олим Шарафутдиновнинг қизи. Элёр Каримов 1981 йили Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) шарқшунослик факультетига ўқишга кирди ва 1986 йили ушбу факультетни тугатиб, хорижий Шарқ давлатлари бўйича ўлкашунос, шарқшунос-тарихчи-эроншунос мутахассислигига эга бўлди. Шу йилнинг ўзида у Ўз ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтига катта лаборант сифатида ишга қабул қилинди ва декабрь ойида Ўз ФА Тарих институтига аспирантурага ўқишга кирди. 1990 йилнинг март ойида «Роль, место и социальные позиции духовенства Мавераннахра в XV в.» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Муаллиф томонидан Хўжа Аҳрорнинг тўлиқ биографиясини яратишга ҳаракатлар биринчи марта номзодлик ишини ёзиш вақтида амалга оширилади. Ёш олим Э.Э.Каримовнинг халқаро даражадаги илмий фаолияти ана шу даврлардан бошланди. У 1990 йили Москвага Бартольд ўқишларида ўз маърузалари билан иштирок этишга таклиф қилинади. 1991 йили Германиянинг Бамберг шаҳрида Марказий Осиёни тадқиқ этиш Европа жамияти — ESCAS нинг IV семинарида иштирок этади.

Э.Э.Каримов 1998 йил декабрь ойида «Суфийские тарикаты в Центральной Азии XII-XV вв.» мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1994—1995 йилларда ACTR /ACCELS ташкилотининг гранти бўйича Американинг (Блумингтон) Индиана Университетида илмий изланишлар олиб борди. 1996 йили Марказий Осиёни ўрганиш Француз илмий тадқиқот институти — IFEASнинг тадқиқотчиси сифатида илмий ишлар олиб борди ва ушбу йилнинг июнь-июль ойларида Франциянинг илмий марказлари ва кутубхоналарида фаолият олиб бориш учун сафарда бўлди. Шу йилнинг октябрь ойида ЮНЕСКО секретариати Э.Э.Каримовга АҚШ ва Японияда 24 ойлик муддатга илмий сафар қилиш имкониятини берувчи Niroyama/ UNESCO Silk Road грантини тақдим этишга қарор қилди ва ушбу грантга биноан АҚШнинг Индиана Университети, Принстон университети, Баттлер Университети, Нью-Йорк Университетларида илмий ишлар олиб борилди ва етакчи мутахассислар билан илмий маслаҳатлар қилинди.

Э.Э.Каримов Франциядаги Ижтимоий фанларнинг олий мактаби EHESS (Ecole des Hautes Etudes en Sciences Sociales)нинг таклифига биноан 1997 йил март ойида Парижда «Ўрта аср Марказий Осиёсида тасаввуф тарихи» махсус курси бўйича маърузалар қилди. У 1998 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтида бўлим бошлиғи лавозимида ишлайди. 1999 йил июнида эса у жамоатчилик асосида Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамиятининг раиси лавозимига сайланди. 1999—2002 йилларда Фан ва техника Давлат комитети Давлат Илмий техник ахборотлар фонди директорининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият олиб борди.

1999 йил ноябрдан 2000 йилнинг майига қадар Э.Э.Каримов Францияда илмий сафарда бўлди ва EHESS—Ижтимоий фанлар Олий мактабида илмий тадқиқотлар олиб борди. 1999 йили халқаро француз миллий гранти «Bourse Diderot»ни олишга муваффақ бўлди, бу грантга асосан унга 2001—2002 йилларда Францияда уч ойлик илмий сафарда бўлишга имконият яратилди. 2003 йилда АҚШ Давлат Департаменти томонидан тадқиқот алмаштирув дастури (RSEP — Regional Scholar Exchange Program) лойиҳаларидаги танловда иштирок этди. Э.Э.Каримов рус, инглиз, француз, немис, форс тилларида эркин сўзлаша олади. У 40 дан ортиқ илмий мақола ва китобларнинг муаллифи.

Шунингдек, Э.Э. Каримов бир қатор халқаро конференция ва илмий анжуманларда етакчи мутахассис сифатида иштирок этган. 2002 йилнинг ўзида Э.Э. Каримов саккизта маҳаллий ва халқаро даражадаги илмий конференцияларда иштирок этди. Тожикистон, Қозғоғистон, Франция ва Хитойда бўлиб ўтган илмий анжуманлар шулар жумласидандир.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Манбалар хусусида	7
Хўжа Аҳрорнинг таржимаи ҳоли	11
Муаллиф ҳақида.....	44

Илмий-оммабон нашр

ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ КАРИМОВ

ХЎЖА АҲРОР[®]
ҳаёти ва фаолияти

Тошкент «Маънавият» 2003

Муҳаррир *У. Қўчқоров*
Рассом *М. Агьямов*
Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*
Мусахҳиҳ *Ш. Илҳомбекова*

Теришга 04.11.2002 й.да берилди. Босишга 03. 02. 2003 й.да рухсат этилди. Бичими 84×108/32.Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 2,52. Шартли кр.-отг. 2,73. Нашр т. 2,37. 2000 нусха. Буюртма №К-9573. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 45—02.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, 2003.